



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 28-mart, chorshanba

№ 14 (1076)

1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ

АФГНИСТОН БЎЙИЧА “ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА
ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК” МАВЗУСИДА ЎТҚАЗИЛГАН
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийлари!

Ҳурматли Федерика Могерини хоним!

Ҳурматли ташкил ишлари ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон халқи номидан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ушбу анжуманда иштирок этаётганнинг учун сизларга чуқур миннатдорлик билдираман ва меҳмондўст ўзбек заминидан сизларни қўриб турганимдан ҳаяжон хурсандман.

Бугунги конференция Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантикий давомидир.

Форумда шахсан иштирок этаётгани учун Президент Мухаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик билдиришмоқчиман.

Шунингдек, халқаро конференция ўтказиш бўйича бизнинг ташаббусимизни аввал-бошдан қўллаб-қувватлаган ва барча қатнашчиларга ўзининг таъриқ хатини йўллаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби жаноб Антониу Гутерришга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Биз жаноб Антониу Гутерришнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнига доирасида музокаралар ўтказиш тарафдори эканини, шунингдек, минтақамизда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Шу йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Козогистон раислигида Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича фикр алмашулар бўлиб ўтган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Козогистон Республикаси Президенти Нурсултон Абдишев Назарбоевга ана шу ўта муҳим муаммони муҳокама этиш бўйича қўрсатган ташаббуси учун самимий ташаккур билдираман.

Шунингдек, бўлиб ўтган муҳокамада чонда билдирган зарур ва қимматли таклифлари учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзоларидан миннатдорман. Бу таклифларнинг катта қисми ушбу конференциянинг афғонистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда тайёрланган яқиний ҳужжати доирасида – Тошкент декларациясида ҳисобга олинди.

Шу билан бирга, бугунги анжуманда иштирок этаётган:

– Европа Иттифоқининг ташкил ишлари ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини хонимини;

– Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ташкил сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини чин қалбимдан қўллашдан ҳаяжон мамнунман.

Бутун ушбу залда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари тўланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Биз шу кунларда баҳор ва янгиланиш байрами бўлган Наврўз айёмига кенг нишонламоқдамиз. Азал-азалдан бу фаслда уруш-жанжаллар тўхтатилган, одамлар эски гина-қудуратларни унутиб, бир-бирини кечирган ва ҳатто энг мураккаб, ҳал этиб бўлмайдигандек туюлган масалалар бўйича ҳам келишиб, ҳам-жиҳатликка эришган.

Ишончим комил, бугун биз ҳам давримизнинг энг ўқтир минтақавий ва глобал муаммоларидан бири – Афғонистондаги қарама-қаршиликни ҳал этишни амалий руҳда муҳокама қилиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқишга қодирмиз.

Минг афсуски, жафокаш Афғонистон заминидан бу тўқнашув қарийб 40 йилдан бундан давом этмоқда.

Маълумки, “уруш олови” афғон халқига четдан тикиштирилди, бу – унинг танлови эмас.

Ана шу йиллар мобайнида ўз минглаб тинч аҳоли уруш қурбонига айланди, миллионлаб инсонлар ўз уйларини ташлаб кетишга ва бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлди.

Бу можарога янги-янги қучларнинг жалб этилиши унинг мислсиз даражада кескинлашиб кетишига олиб келди. Ушбу уруш нафақат Афғонистоннинг муаммоси, балки тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муаммага айланди.

Афғонистонда халқаро террорчи гуруҳлар сонининг кенгайиши, зуравонлик ва қон тўкишлар, нарқобизнеснинг барҳам топаётгани – буларнинг барчаси бу мамлакатдаги вазиятни жаҳон жамоатчилиги томонидан инкор этилишига йўл қўйиб бўлмастлигини кўрсатмоқда.

Энг ёмони, Афғонистондаги қуроли қарама-қаршилик ва зуравонлик шароитида бутун бир авлод воғта етди. Лекин бу, айрим экспортлар андишасизларча таъ-

кидлаётганидек, “бой берилган авлод” эмас. Улар уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан қарчаган одамлар, ҳолос. Улар ўзаро низоларга чек қўйиб, тинч ҳаётга, ўз мамлакатини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажақ авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун қуч-ғайрат, до-нишмандлик, мардлик ва матонат етарли.

Бугунги анжуманимизда вакиллари иштирок этаётган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар бу жафокаш мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қўмаклашишда муҳим роль ўйнашга қодир ва шундай бўлиши керак.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги воқеалар оқибатида Афғонистондаги вазият маълум бир вақт давомида халқаро сиёсат эти-боридан четда қолди. Аммо бунинг натижасида мазкур можаро ўз кескинлиги ва жиддийлигини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистонда халқаро конференция ўтказиш таклифи ва Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати қўйидаги омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, бизнинг ташаббусимиз Ўзбекистоннинг ташкил сиёсат концепциясига тўла мос келади. Бу концепцияда, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган.

Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда.

Амударё биз учун ҳамisha тириклик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қилмаган.

Афғон заминидан Марказий Осиё Ўйғонини даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолiddин Беҳзод, Захриддин Мухаммад Бобур, Бораҳим Машраб каби буюк наомойндалари ва бошқа қўллаб бизнинг улугъ аждодларимиз яшаб ижод қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилган.

Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, барчамиз қатъий ишонамизки, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини “ўзимизники”, бошқасини эса “бирониники”, деб қабул қилмаслигимиз керак, аниқроқ айтганда, бундай қилишга ҳақимиз йўқ.

Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир.

Халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишга йўл қўйиб бўлмайди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қўмаклашиш бўйича таъриққа эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда Афғонистонга қўшни давлатлар, Россия ва АҚШ ташкил сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасида “6+2” гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Бу учрашувда Шимолий Иттифок ва “Толибон” ҳаракати вакиллари ҳам иштирок этган эди.

Музокаралар якуни бўйича Афғонистондаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий принциплари ҳақидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 54-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатига айланди.

Шу муносабат билан биз Афғонистон билан умумий келажагимиз, афғонистонлик биродарларимизни ҳам, бизни ҳам бирдек ташвишга солаётган масалалар ҳақида гапириш учун барча асосларга, сиёсий ва маънавий ҳуқуққа эгамиз.

Айнан мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон бутун дунё мамлакатларини бизнинг бу эзгу иллати саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Қадри дўстлар! Бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича қўп қиррали ва мураккаб масалалар минтақа ва халқаро микёсда кенг муҳокама қилинмоқда.

Бу ўринда Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий инқирозни ҳал этиш йўллари топиш мақсадида ташкил этилган Қўбул жараёни, Москва формати, Халқаро мулоқот гуруҳи, “Осиё юраги” деб номланган Истанбул жараёни, “ШХТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳи ва бошқа қўп томонлама муҳокама жараёнлари алоҳида диққатга сазовордир.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ



Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида муқаддас ҳарбий хизматга қақирилган аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилди.

ЧЕГАРАЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

«Махалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари, «Ёш чегарачилар» клублари аъзолари, ота-оналар иштирок этган тадбирда Президенти, Қурултай Бош Кўмондони Шавкат Мирзиёев раҳнамоли-

гида амалга оширилган ишхотлар самарасида халқимиз тинчлиги ва осойишталиги, Ватанимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир миллий армиямиз салоҳияти ошиб бораётгани таъкидланди.

Ҳарбий қасамёд шунчаки оддий тадбир эмас,

балки, аскарнинг Ватан олдидаги масъулияти ифодаси, юрта садоқат билан хизмат қилиш тўғрисида бир марта қабул қиладиган онгидир. — Хизматга қақирилганимга бир ойдан ошди, — дейди андижонлик Иzzатбек Қозимов. — Ўпан қисқа вақтда янги ҳаёт кўникмасига эга бўлдим. Бу ерда Ватан олдидаги хизматимизни адо этиш учун барча шароит яратилган. Бугунги тадбир зиммамизда нечоғли улкан масъулият турганини янада чуқур ҳис этишга, қасамёдга доимо содиқ қолишга ундайди.



Пойтахтимизда 27 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

АФГНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташкил ишлари ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Ҳитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташкил сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро конференцияда нутқ сўзлади.



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг мантикий давоми эканини таъкидлади. Ер юзининг катта қисмида сўнги 40 йилда афғон урушига у ёки бу даражада дуч келган авлодлар улғайди. Кимнингдир ўғли, кимнингдир қариндоши ёки қўшини бу адолатсиз уруш қурбонига айланди. Уруш олови қанчадан-қанча бегуноҳ одамнинг ёстияни қуритди, унинг совуқ нафаси бошқа юртларга ҳам етиб борди, минглаб оилаларни пароканда, гўдакларни етим қилди. Шу боис «Афғонга кетибди» деган хабар юракларга қўрқув, ха-

вотир олиб қирарди. Оталар ўғлининг афғонга ҳарбий хизматга кетганини кекса ота-онасидан яширар, ичидаги дардини билдирмасди. Оналар пана-пананда жигарбандига соғлиқ-омонлик сўраб Яратганга ёлворар, йўл қарарди. Ана шундай муҳитда улғайган болалар «афғонга олиб кетмасмикан», дея йиллар давомида ҳавотир билан яшади, ҳарбийга бормаслик чорасини қидирди. Орадан ўн йиллар ўтган бўлса-да, афғон муаммоси одамлар хотира-сида қолдирган ваҳима ва қўрқув хали унутилгани йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ

АФҒОНИСТОН БҲҲИЧА “ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҶАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Бошланғич
1-бетда

Ўзбекистон Қобул жараёни доирасидаги иккинчи мажлис иштирокчиларининг Афғонистон ҳукумати билан “Толибон” ҳаракатининг “олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик” асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлайди.

Аммо тинчлик сари ҳаракатнинг энг асосий шартин, бизнингча, аввало, минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг биргаликдаги савий-ҳаракатларимизнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчи — афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус — муроғасга эришиш;

Иккинчи — Афғонистон ҳукумати ва қуроли муҳолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмни ишлаб чиқиш;

Учинчи — Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмак бериш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.

Ва нихоят, барча манфаатдор ташки қўлларнинг қуроли муҳолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришнинг, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши бекқисс аҳамият касб этади.

Бундан бошқа йўл йўқ. Бизнинг фикримизча, бугунги учрашувиимизнинг бош юзиси шундан иборат.

Хурматли ҳонимлар ва жаъноблар!

Афғонистондаги низолар қоят мураккаб ва қарама-қарши ҳусусиятга эга эканини, уларга турли қўллар жалб этилганини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясидан келиб чиқиб, кенг қамровли тинчлик жараёнини учта ўзаро бондик даражада амалга оширишни таъминлаш мумкин аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон мамлақати даражасида — марказий ҳукумат ва қуроли муҳолифатнинг асосий қўллари, биринчи навбатда, “Толибон” ҳаракати ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқотни бошлашни таъминлаш зарур.

Томонларнинг бир-бирига нисбатан саволлари ва талаби бўлажак музокараларда муҳома қилиниши мумкин.

Ўз-ўзидан равишанки, Афғонистон ичидаги сиёсий жараёнларни бошлашни энди орқага суриб бўлмайди. Бу жараёни чўзиш яна қўллаб-қувватлаш одамларнинг қўрбон бўлишига олиб келади.

Тинчлик жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлаш

учун афғонистонликларнинг ўзларига ташаббус қўрсатиш, музокаралар қандай форматда, қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича таллаш имконини бериш керак.

Бу ўринда гап, аввало, қуроли муҳолифат томонидан ҳам, Афғонистон миллий хавфсизлик қўллари томонидан ҳам жанговар ҳаракатлар олиб боришдан воз кечиши ва ўт очишни тўхтатиш режимига сўзсиз риоя қилиниши ҳақида бормоқда.

Афғонистоннинг келгусидаги тинч тараққиёти учун умумий масъулиятни ҳис этган ҳамда ўзбек ва афғон халқининг азалий дўстлик алоқаларига таянган ҳолда, биз Ўзбекистон ҳудудида тинчлик жараёнларининг йсталган босқичида Афғонистон ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиб беришга тайёризмиз.

Муҳолифат тинч музокараларда иштирок этадиган ва миллий келишувга эришилган тақдирда Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига муҳолифатнинг интеграциялашуви учун барча шароитларни яратиб зарур бўлади.

Қуроли муҳолифат вакиллари, жумладан, толиблар ҳам афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз мамлақати келажигини белгилаш учун овоз бериш ҳуқуқига эга.

Бу борада мамлақатда парламент ва президентлик сайловларига бўлган даврда афғонлар ўртасида ўзаро мулоқотни бошлаш ва шу тариқа жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, муҳолифатдаги қўлларга ҳам янги Афғонистон давлатини қуришда тўлақонли иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиб қоят мумкин.

Минтақавий даражада — аввало Покистон, Хиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Катар ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлаш билан томонлар ўртасида мустақкам келишувни таъминлашга эришиш зарур.

Афғонистонда иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш билан бондик бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш қўп жихатдан унга қўшни бўлган давлатларга, бизнинг эзгу хоҳиш-иродамиз, қатъий қароримиз ва бу мамлақатда миллий ярашувни таъминлаш, зўравонликка барҳам беришда фаол иштирок этишга қанчалик тайёр эканимизга бондиклигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Барча қўшни ва ҳамкор мамлақатларнинг савий-ҳаракатлари бир-бирини тақрорламаслиги, балки тўлдириши керак. Биз бу муаммони ҳал этиш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирлар, ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Шу йилнинг январь ойида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши йилги йилгида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш жаноблари таъкидлаганидек, минтақавий ҳамкорлиқнинг янги жа

дал суръатлари “умумий, аллақачон яшилган ва долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича барчамизнинг олдимизда катта имкониятлар очади”.

Биз энди Афғонистонга унинг ҳудудидан тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмайди деган давлат сифатида қарай бошлаймиз керак. Афғонистон — бизнинг дўстона ҳамкоримиз ва қўшнимиздир.

Ишончманки, Афғонистоннинг қўшни мамлақатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимига жалб этиш бўйича умумий савий-ҳаракатларимиз бу мамлақатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг ҳаётга қайтариш жараёнига сезиларли ҳисса қўшади.

Ҳеч шубҳасиз, охири-оқибатда афғон заминда тинчлик ўрнатилиши бепоян Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар очади ва реал наф келтиради. Бу умумий хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш, автомобил ва темир йўллари қуриш, табиий ресурсларни ташийдиган қурувлар ўтказиш, минтақавий ва трансминтақавий савдо-сотиқнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиб.

Имкониятдан фойдаланиб, Афғонистоннинг иқтисодий-иқтисодий тизимини учун Ўзбекистон имкон даражасида ҳисса қўшаётганини қайд этмоқчиман.

Биз 2002 йилдан буён Афғонистонга электр энергияси етказиб бермоқдамиз. Сурхон — Пул — Хумри янги электр тармоғининг ишга туширилиши билан Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми кескин ортади.

Биз биргаликда яна бир стратегик лойиҳани амалга ошириш тақлифини илгари сурмоқдамиз. Бу ўзбек мутахассислари томонидан қурилган ва ҳозирги кунда фаолият қўрсатаётган Хайратон — Мозори Шариф темир йўлини Хиротга давом эттириш лойиҳасидир.

Бу лойиҳа Афғонистон иқтисодийини тиклаш учун аниқ ва амалий ҳисса бўлиб қўйилади, янги иш ўринлари яратиб ва мамлақатнинг транзит салоҳиятини оширади.

Трансафғон транспорт-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу қаб қатта аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон” ва “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” қаб бошқа минтақавий лойиҳалар билан ўзвий бондик ҳолда бошлангани Шимолдан Жанубга ҳамда Шарқдан Ғарбга бўлган барча йўналишларда қўллараро транспорт коридорларини энг қисқа йўл билан ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб.

Гуманитар алоқалар фаол ривожланимоқда. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Афғонистонга қарадош Термиз шаҳрида махсус ташкил этилган Афғон фуқароларига таълим бериш маркази иш бошлади. Ҳозирги кунда бу марказда 100 нафарга яқин афғонистонлик йигит-қизлар таълим олмақда.

Биз мазкур марказда афғон мутахассисларини тайёрлаш бўйича ихтисослик ва йўналишлар сонини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Глобал даражада — дунёнинг етакчи, буюк давлатлари ва донор ташкилотлар томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёнларини принципал жиҳатдан сиёсий қўллаб-қувватлашни ва мамлақатнинг иқтисодий-иқтисодий тикланиши учун молиявий ёрдам қўрсатилишини таъминлаш зарур. Уларнинг ёрдами туфайли мамлақат тинч ривожланиш йўлига ўтди. Бугунги Афғонистон — бундан атиги йигирма йил олдинги мамлақат эмас.

Очик демократик сайловлар ўтказилган пайтдан бошлаб бу юртда давлат қурилишининг янги даври бошланди, оддий афғон фуқаролари ҳаётида ижобий ўзгаришлар қўзғатилган моқда. Мамлақат ҳукумати аҳолини таълим ва соғлиқни сақлаш хизмати билан кенг қамраб олишга муваффақ бўлди. Буларнинг барчаси афғон халқининг тинч-осойишта ҳаёт ва таракқиёт сари интилаётганидан далолат беради.

Яқин икки йил ичида Афғонистонда муҳим сиёсий воқеалар — парламент ва президентлик сайловлари ўтказилиши қўлтилоқда. Бу воқеалар мамлақат барқарор демократик таракқиёт йўлидан изчил илгарилаб бораётганининг тасдиғи бўлиши лозим.

Хурматли дўстлар! Барчамиз бир ҳақиқатни англаб олишимиз зарур: биз бугун фақатгина Афғонистоннинг келажиги учун эмас, балки умумий хавфсизликнинг, терроризм, фанатизм ва зўравонликдан ҳоли дунё учун курашмоқдамиз.

Биз ўтмишдаги ҳатоларни тақрорламаслигимиз керак. Умумий масъулиятимизни доимо ёдда тутишимиз лозим.

Афғонистонда тинчликка эришиш вазифаси бугунги кунда глобал хавфсизлик ва таракқиёт учун том маънода мисли қўрилмаган хатарга айланган терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган савий-ҳаракатлар билан ўзвий бондикдир.

Бизнинг қатъий ишончимизга қўра, барча ташки қўллар афғон ҳукуматининг Афғонистонда хорижий террористик ташкилотларнинг базаларини йўқ қилиш борасидаги савий-ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-қувватлаш, ҳеч қандай фарқларга қарамасдан, терроризмнинг молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватлашининг олдини олиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафқурасига қарши кураш борасида ҳаммаи принципал позицияга эга бўлиб келган.

Бундай хавф-хатарларга қарши фақат қуч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айнисика, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим.

Ўтган йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбе

кистон Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлифини илгари сурган эди.

Бизнинг асосий мақсадимиз — ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобиляти ва истеъдодини рўйбга чиқариш учун барча зарур шароитларни яратиб беришдан иборат.

Биз барча хорижлик ҳамкорларимизга ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини аҳоли ва айнисика, ёшларга тушунтириш йўлида яқин ҳамкорликка иш олиб боришни тақлиф этамиз.

Ўйлайманки, бу борада Ўзбекистонда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислам цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон Ислам академиясининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, биз ташаббус тариқасида Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этишни тақлиф қиламиз.

Бундан қўзланадиган асосий мақсад — мамлақатда талаб қатта бўлган соҳалар бўйича миллий кадрлар тайёрлаш, истеъдодли талабалар ва ёш олимлар учун стипендия ва грантлар ажратиш борасида афғон томонига қўмақлашдан иборат.

Бизнинг қатъий ишончимизга қўра, жамиятда таълимнинг нуфузини ошириш ва ёшларнинг камолотига интилишнинг рағбатлантириш — бу барқарор ва изчил тараққиётга эришиш қафолатидир. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни зўравонлик ва радикализм мафқурасидан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Хурматли форум қатнашчилари!

Ишончим қомил, ушбу конференциянинг ўтказилиши, амалий руҳдаги мулоқот ва мунозаралар, шунингдек, яқиний Тошкент декларациясининг қабул қилиниши Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалий жиҳатдан ижобий натижаларга эришиш имконини беради ва тинчлик жараёнининг ўзига хос “йўл харитаси”га айланади.

Моҳият эътиборига қўра сизларнинг ёрдамингиз билан афғон муаммосининг энг муҳим жиҳатлари бўйича барча манфаатдор томонларнинг сиёсий иродаси ва ўзаро англашуви йўлида ақс эттириладиган ҳужжат қабул қилинади.

Афғонистоннинг келажиги халқаро ҳамжамиятининг барчамиз учун умумий бўлган таҳдид ва хатарларга қарши курашишга оқиб эканини қўрсатадиган мисолга айланиб қолмаслиги лозим.

Бугун барчамиз бирлашиб, жаҳонда Афғонистон халқига тинчлик ва таракқиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Барча конференция иштирокчиларига чин қалбимдан самарали иш олиб боришларини тилайман!

Эътиборингиз учун раҳмат.

СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан ўтган йилда асосий бўлмаган иш жойларидан ва бошқа манбалардан олинган даромадларини декларациялаш жараёни кечмоқда.

Даромадларни декларациялашни унутмадингизми?

Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари қиради:

— мулкрий даромадлар (турар жой, нотурар жой, автомобиль транспорти ва бошқа мол-мулкларни ижарага беришдан), агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;

— фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

— асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар (юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини қўллаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкрий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг болаларини мактабга таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш. Иш беришчи томонидан тўловлар ҳисобига тўлашиб, ҳодимдан ушлаб қилиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қилинмаган суммалар);

— икки ёки ундан қўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг юқорида қайд этилган асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадларидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи унинг аризага қўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қилинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридан манбалардан олинган даромадларини ҳамда солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадларини декларациялаш мажбурий.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишлари талаб этилади. Улар декларацияни шахсан ёки ишончли вакил орқали (қоғоз қўрғинида ёки электрон ташувчида), почта хизматида фойдаланиб, буюртма хат орқали, шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг расмий my.soliq.uz сайтидаги “Электрон солиқ декларациялари” — интерактив хизматида фойдаланган ҳолда топширишлари мумкин. Ушбу интерактив хизмат орқали жисмоний шахслар электрон ҳужжат қўрғинидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шақллантиришлари ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда туман давлат солиқ инспекцияларига бормаган ҳолда интернет тармоғи орқали жўнатиш имконияти мавжуд.

Солиқ кодексининг 192-моддасига мувофиқ, агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, шунингдек, олдин тақдим этилган декларацияда нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммасини ўзидан мавжуд ахборот асосида энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва тўлашни лозим бўлган, ҳисобланган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммаси тўғрисида солиқ тўловчида ўн кунлик муддат ичида тўлов хабарномасини топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация ёки тўрилган декларация тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг (172 240 сўм) бир баравариан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунга қўра, декларация топшириш лозим бўлган жисмоний шахслар ҳисоботнинг якуний санаси 1 апрелгача яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари ҳамда ҳисобланган даромадларини эса жорий йилнинг 1 июнига қадар тўлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Абдували МАҲМАТОВ,
Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси
бошлиғи ўринбосари

ЁШЛАР ВА ҲАЁТ

Ўтган чорак аср давомида мамлакатимизда амалга оширилган тўб ислохот ва ўзгаришларнинг замирида Конституцияда белгиланган метёрлар ётибди.

Албатта, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, халқимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этиши зарур. Ҳаракатлар стратегияси бўйича ҳаётга татбиқ этилган давлат дастури ижроси доирасида шу йилнинг ўзида қатор қонун ва қонунсоти ҳужжатлар қабул қилинди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб аъло қилинган 2017 йилда “Исмон манфаатлари ҳамма нарсасдан улуғ” деган қоя асо

сида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2017 йилда давлат ҳокимияти тизимини ўйлаб, аниқ институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлақат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустақкамланди.

Ишоний муносабатлар кадр топаётган мана шундай шароитда ҳар бир инсон ёшлигидан покиза оруз-умид

лар билан яшайди, халқига, Ватанига нафи тағадиган шахс бўлиб етишишни ўйлайди, албатта. Бу аниқ пайтда унинг қўлгидан ватанпарвар инсон бўлиш иштиёқи борлигидан далолат беради. Демак, қим-қим олдинга қараб интилас, юксак орзулар билан яшаса, у том маънода ўсиб-ўлағайиб, мукамаллашиб, фазилати ортиб бораверади. Қимнингки фазилати ортиб юрти олдиндаги ўз бурчини ҳис эта олса, бундай инсон ватанпарварликка яқинлашади. Инсон муайян касбга интилар экан, шу тариқа қўлгидан орзуни мақсадга айлантиради. Бундай интилиш орқали у фақат мақсадга яқинлашибгина қолмасдан, шу йўлдаги савий

ҳаракатлари туфайли ўзини ҳам эл-юртга фойдаси тағадиган инсон тарзида тарбиялаб боради. Шунинг ўзи, яъни бир-бир касб-хунар ёки илм соҳасининг устаси бўлиш ҳам ватанпарварлиқ белгисидир. Илми ва меҳнати, ноёб истеъдоди билан эл-юртга хизмат қилган инсонларни улуғлаб, улар билан фахрланиб юришнинг ҳам бониси шундан. Зеро, ватанпарвар инсон барҳаётдир.

Жасурбек АБУБАКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий Гвардияси
Ҳарбий-техник институти
5-босқич курсанти
Муқаллас УСМОНОВА

ЧЕГАРАЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

Бошланғич
1-бетда

Маросимда набира-лари қувончига шерик бўлиш учун келган кексалар ҳам қўпчилиқ эди.

Бугунги тадбир менда ҳам катта таассурот қолдирди, — дейди Наманган вилояти Чуст туманидан келган 80 ёшли Рухсат ая Аҳмедова. — Ахир, икки набирани Мухсинжон ва Баҳодиржон Маширабовлар қасамёд қилди. Бунақаси камдан-кам бўла

ди, айланай. Бир-биридан қўрмак, қийми ўзига ярашган алиқомат аскарлар орасидан набираларимни тезда таниб олдим. Улар бир ой ичида анча ўзгариб қолди. Бувитинанг ўргилсин сенлардан дейман, улар мени эшитиб тургандек. Набираларим халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашга аминман. Яна бир гапни айтмай. Буларнинг шарофати билан орузим ушалоқда. Бухорини шарофатининг тарихида ёдгор

ликлари, Баҳоуддин Нақшбанд хазратларини зийрат қиламан. Бу йилги қасамёд маросими ўзгача ўтди. Унга ўтган йил баҳорда муқддатли ҳарбий хизматга чақирилган ва Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб бўлиш арафасида турган аскар йигитлар ота-оналарининг бир гуруҳи ҳам тақлиф этилди. Улар гувоҳлигида хизмат даврида ҳар жиҳатдан бонқаларга ибрат бўлган фарзандларга II даражали «Чегара қўшин

лари аълочили» қўрак нишони топширилди. Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан жанговар ва маънавий тайёргарлиги, билими юқори баҳоланган аскар йигитларга тавсияномалар тақдим этилди.

Тадбир ҳарбийлар ижрос

► БУ ШУНДАЙ ТУЙГУКИ...

Ярим кечаси гўдак йиғисидан уйғонаман. Шошилиб болаларимга қарайман, Оллоҳга минг шукр ухлаб ётишибди. Бирини юзидан, бирини кўзидан ўпиб қўяман.

Аммо яна гўдак йиғиси эшитилади. Аллақачон уйку тарк этган вужудимда оғриқ туради. Деразани очаману, бир лаҳза гангиб қоламан. Бу йиги Амударёнинг нариги қирғоғидан — Афғонистон томондан келётганини аниқ эшитаман. Оналқ сезгиси билан қўшни гўдак умун хавотир оламан. Нимага йиғлаётти экан? Бирор жойи оғриятмикин? Йиғлайвериб ичи қуйиб кетди-ку, сув ичгиси келди-микин? Қорни очмикин? Унга бирор ёвуз азоб беряптимикин? Онаси касрда экан? Шу орада гўдак қаттиқ чинқиради-ю, жимиб қолади. Энди аёлнинг йиғиси эшитила бошлайди. Бу йиғига юрак бағирни эзиб юборадиган аянч, азоб,

кайғу, ҳасрат қоришиб кетган. Сен йиғлаясан афғон дугонам. Сенга нима бўлди? Гўдак болангга нима қилди? Секин айвонга чиқаман. Сенга қўшилиб сим-сим йиғлайман, жим-жим йиғлайман. Сенга ачинаман. Аммо ёрдам беролмайман. Йиғлаб сеннинг боланг ҳақкига, сеннинг ҳақкига дуолар қиламан: Бу оламда ҳеч кимнинг боласи ўлмасин! Ҳеч бир она боласининг совуқ танасини қучиб йиғламасин! Оллоҳ гўдакларини, шу гўдакларини эмизатган оналарини ўзинг асра! Мана, неча йилдирки шу, Сеннинг йиғинг тинмайди. Сенга ачиниб меннинг йиғим тинмайди. Сени мендан бошқа ҳеч ким эшитмайди. Дунё ўз маншатлари билан маст.

Уларнинг қулоқлари ўз яллолари-ю, тараллоларидан нарини эшитмайди. Шундайлар борки, бировнинг кайғусидан қуч олади, йиғисидан ҳузурланади. Сени мен эшитаман. Сенининг қўшимсан. Жонимга яқинсан. Сеннинг боланг — меннинг болам. Сеннинг кайғунг мени эзди. Биз ўзбекларда “Кўздек қўшни” деган гап бор. Бу бир қўзинг оғираси, иккинчиси ҳам оғрийди, қўшнинг кўздек яқин деганидир. Биз мусулмонларда “Қиёмат кунини қўшнидан сўралади” деган ибора мавжуд. Тақдир танланмаганидек, қўшни ҳам танланмайди. Биз Оллоҳнинг иноятига қўра ёнма-ёнимиз. Азиз дугонам, жафокашим, қадрдоним! Сеннинг тинч-фароғатда яшашинг менга даркор, бисёр даркор.



Биз онамиз! Биласанки, БОЛАЛАРИНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ. Айниқса, у қўшнинг боласи бўлса...

Мухтарама афғон дугонам, сеннинг уйингдан мусибатлар кетишини истайман. Ўз уйингдангилар аса бу омонат дунёда бир-бирини севиши, сезиши, авайлаши, қулфатлар

дан қутқаришини хошлайман. Уларга ўзинг илтижо қил, ялп, ёлвор! Биродаркушликка йўл бермасинлар. Айт уларга, сеннинг тинча-мадоринг қуриб кетди. Айт уларга, сен ҳам темир эмассан. Айт уларга, оналарининг атрофида бирлашсинлар.

Уйингдангилар гўдакларни асра! Улар бешкаст улғайсинлар!

Уларни Ўзбекистонга — авлиёлар олтин бошларини қўйиб ётган муқаддас заминга зиёратга олиб кел! Афғонистон тинч бўлса мен ҳам болаларимни шох ва шоир бобомиз Захириддин Мухаммад Бобурнинг қадамжолари-га, Мир Алишер Навоий ҳазратининг макбарасига таъофга олиб бораман. Мен учун меннинг фарзандларим, меннинг келажак авлодим учун ҳам Афғонистон муқаддасдир.

Ўзбекистон ва Афғонистоннинг дўстлиги йўқолмасдир, йиқилмасдир, чўкмасдир. Чунки дунё маънавиятининг тўрт устунидан бири Навоий бобомизнинг рухлари бу дўстлиқни бирлаштириб турибди. Бу ҳам Тангрининг бизга иноятидир.

Биз Она дарё — Амударёнинг икки қирғоғида сажда

га бош қўйган фарзандларимиз. Дедиларки, улуг дарёлар соҳилида қилинган дуолар ижобатдир. Болаларимиз Амударёнинг икки қирғоғида туриб, бир-бирига қараб-қараб сув ичаётган кийик болаларидир. То дунё бор экан, жаннатдан чиққан икки дарёнинг бири — Амударё мангу оқаверади. То дунё бор экан, сен ва меннинг юрагимиз шу дарёдек ҳар икки қирғоқ учун меҳрлидир.

Ишпооллох ўзбек ва афғоннинг болалари муқаддас қадамжоларда, тинч ва осуда дамларда учрашсинлар. Яхши кунларда қўришгунча омон бўлгин меннинг мунисам — афғон дугонам!

Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

ТАХИРИЯТДАН

Хурматли газетхон “Hurriyat” газетасининг шу йил 8-сонида муаллиф — Саид-Абдулазиз Юсуповнинг “Ўзбекистон деган давлат барқарор туриши учун яна нималар қилишимиз керак?” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Ўтган вақт давомида мақолада кўтарилган масалалар юзасидан тахририятга қўллаб қўлғироқлар бўлди. Турли фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Ана шундай муносабатни сиёсий шарҳловчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматов ҳам ёзма равишда тақдим этди. Газетанинг 11-сонида унинг “Орзуга айб йўқ, аммо...” деб номланган муносабати эълон қилинган.

Фикр-фикрни уйғотар, деганларидек Саид-Абдулазиз Юсупов билдирилган муносабатга жавоб йўллади.

Тахририят ҳолислик, фикрлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан мулоҳазаларга ҳурмат сақлаган ҳолда ушбу жавобни ўқувчиларга ҳавола этмоқда.

“Хуррият” газетасининг 2018 йил 14 мартдаги 11-сонида чоп этилган мухтарам Иброҳим Норматовнинг “Орзуга айб йўқ, аммо...” сарлавҳали мақоласини ўқидим. Фикрларим соғлом баҳс, мушоҳада ва мунозарарага замин бўлганидан рўздандим.

Агар ҳар қандай баҳсдан мақсад ҳақиқатга етиш бўлса, маърифат бўлса, бундан жамият фақат ва фақат наф қўради.

Ҳалининг аввалида кичик нуқтага тўхталиб ўтай. “САНҲАРОШ УСТА” бу тахаллус эмас, мен ҳақиқатда ҳаётимда эгаллаган биринчи ҳунарим ТОШТАРОШЛИҚДир. Устозим Самарқандлик Сангтарош Уста Мўмин Камолов бўлади. Шунинг учун нега айнан “Сангтарош Уста” тахаллусини танлаган деган ўйга борманг. Чунки мен ҳақиқатда Сангтарош Устаман.

Шахс сифатида Сизни ҳурмат қилишимни айтиб, алоҳида таъкидлаб қўймоқчиман. Ҳарна бўлганда ҳам, энг аввало, Сиз ва бизга баҳс ва мунозара учун майдон бераётган “Хуррият” газетасига салимийат билан ташаккур изҳор этаман.

УМИДСИЗЛИК МИЛЛАТНИ ОЛОМОНГА АЙЛАНТИРАДИ!

Француз мутафаккири Вольтер “Сизнинг фикрингизга қўшилмаслигим мумкин, аммо уни эркин айтиш ҳуқуқингиз учун ҳаётини беришга тайёрман!” деган эди. Хурматли Иброҳим Норматов, мулоҳазаларингизга ҳурматини сақлаган ҳолда мен ҳам ўз муносабатини билдириб ўтаман.

Энг аввало, мақолангизнинг сарлавҳасига эътирозим бор! Мен ўз чикишимда уч ярим минг йиллик давлатчилик тарихига эга Давлатимизнинг боқий туриши учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида сўз юритгандим. Фикр билдиргандим. Мушоҳада қилгандим. Аммо (!) зинҳор баъзиҳор Давлатнинг боқий туриши ҳусусида, ҳатто бир онга бўлсин, шубҳага бормаганман. Чунки бунга Сиз каби шунчаки умид қилмайман, аксинча, қаттиқ ишонман!

Сиз эса меннинг ишончимни “орзу” деб атабсиз. Ўша орзунинг ҳам ушалишига шубҳа билан қараб “Орзуга айб йўқ, аммо...” дебсиз. Иброҳим ака, миллатнинг оломондан фарқи эса ҳар қандай ҳолатда ҳам эртаси ҳақида аниқ тасаввурга эгалиги, келажатидан умидини узмаслигидадир. Давлатнинг қучи-да, ўз фуқароларининг бутуни ва эртасига бўлган қаттиқ ишончидадир!

ҲОЯСИЗЛИК, ДАЪВОСИЗЛИК — ТАНАЗЗУЛГА ЭЛТУВЧИ КЎПРИК

Иброҳим ака, Сиз меннинг янги мафкура тўғрисидаги фикримдан иктибос келтирар экансиз, негадир муҳим бир фикрни атайин тушириб қолдиргандайсиз. Янги ғоя ҳақидаги фикримнинг фақат бир тарафини, яъни у учун керак бўлса ҳар бир ватандошдан жон беришга тайёр бўлиши ҳақидагина гапириб, ўқувчинини чалғитишга урингансиз. Бу ерда жон беришдан ҳам муҳимроқ бир нуқта бор: ғоя ҳар

бир ватандошни яшатишга ҳам қодир бўлишга керак!

Ишон оғли бир мавжудот сифатида ўз ҳаёти давомида ўз моҳиятини аниқлаш йўлида мужодала этади. Ҳаётда инсон мақсадсиз яшайи шахс таназзулга олиб келгани каби, мақсадсиз жамият ҳам таназзулга юз тутиши табиий. Агар жамият аъзоларининг умумий бир мақсади бўлмаса, шахсий манфаатлардан устун умумий бир ғояси бўлмаса, ҳар ким ўзи билан ўзи обора бўлади, ҳар ким ўз манфаати орқасидан югуради. Ўзибўларчилик авж олади. Жамият бўлақларга бўлиниб, йўқ бўлиб кетади.

Айнан умуммиллий манфаатга асосланган ғоя жамиятни жишлантиради. Давлатнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ўйламанки, минг йиллар давомида исботланган бу ҳақиқатни инкор этмасангиз керак.

Бугун Ўзбекистонда ўттиз икки миллиондан ортиқ халқ бор. Дунё бўйича тарқалиб кетган ўзбекларнинг умумий сони тахминан қирқ-қирқ беш миллион атрофида деб тахмин қилинади. Ўзингиз бир йўлаб кўринг, агар бизни бирлаштирувчи бир ғоя бўлмаса, Ўзбек давлатчилиги қандай қилиб ўзини сақлаб қолсин?!

Энди Сиз танқидий фикр билдирган жиҳатга келсак. Ленин ва Сталин учун деб ўзини ўлимга ташлаганлар ҳақида сўз юритибсиз. Лекин негадир Афросиёб, Алп Эр Тунга, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Мухаммад Шайбонийхонлар даъвоси учун жон берганларни тилга олмагансиз! Мен-ку биринчидан, шахсга сизнинг керак демадим, иккинчидан, бундай мафкура учун фақатгина жон беришга тайёр бўлиши керак ҳамма демадим, балки унинг учун керак бўлса, яшайи кераклигини таъкидладим.

Биласизми, Иброҳим ака, бир ғоя учун, бир даъво учун жон беришдан ҳам қийин нима? Бу ўша ишонч учун яшашга ўзида қуч топишдир. Ўлим ҳеч қачон ечим эмас, аммо ўлишга қарор қилишдан кўра, изтиробларга, муаммоларга чидаб сабот билан ўз даъвоси, ўз ғояси учун яшаш қийин. Ҳар қуни, ҳар он, ҳеч қандай кафолатсиз фақат ва фақат УМИДГА суяниб, мақсадга эришишга ишончга таяниб яшаш қийин. Зеро, буюк музаффариятнинг йўли ҳам шу — фақат ола интилиш, иккиланмаслик ва умидсизликка тушмасликдир!

ЧЕРЧИЛ ҲАҚ ЭДИ

Президентимиз яқинда ҳурмат билан тилга олган ва барча раҳбарларга унинг

асарларини ўқишни тавсия қилган **Черчилнинг шундай сўзлари бор: “Демократия қанчалар ёмон бўлмасин, инсоният ҳали ундан яхшисини ўйлаб топгани йўқ!”** Мафкуравий танлов ҳақидаги фикрларимни танқид қилар экансиз, мен тақлиф қилган эмас, дунёда тарихдан шаклланиб келган тўрт хил мафкура шакллари (!) тамомилан инкор этибсиз. Бунга табиий деб қабул қиламан. Аммо либерал-демократия тўғрисидаги фикрларингизни рад этаман.

Биринчидан, Ўзбекистон либерал-демократик партия аъзоси сифатида либерал-демократияга “отилган тошлар”ни меннинг партиямга отилган деб қабул қилдим. Агар эсингизда бўлмаса, халқимиз сайлаган Президентимиз ҳам айнан бизнинг партиямиз

► МУНОЗАРА

КУЧЛИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУ ЭМАС, КАТЪИЙ ИШОНЧИМИЗДИР!

платформасидан сайловга ўз номзодларини қўйгандилар. Бундан ташқари, бугунги ҳукуматда ҳам партиямиз аъзолари қўлчиларни ташкил этади. Шу нарсани катъий билдиришимизни истардимки, Сиз ўзингиз тан бериб, олишладиган сўнги пайтдаги ижобий ўзгаришлар ҳам Ўзбекистон Президентининг либераллаштириш ва демократлаштириш сиёсатининг махсулидир!

Қолаверса, либерал-демократик қадриятлар бу жамиятдаги миллий-маънавий қадриятларни инкор этмайди. Чунки либерал-демократик қадрият сифатида биз ҳақиқатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўққиздан таъминланишини, бизнинг ҳуқуқимиз бошқаларнинг ҳуқуқи бошланган жойда туғилиши, жамият олдида масъулиятни тушунаемиз.

Кези келганда, Сизнинг Исломи аҳқомларига, шариатига асосланган мафкура ҳақидаги гапингизга жавоб сифатида эса қуйидаги тарихий ҳолатни эслаш билан жавоб қайтараман. Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В.) Макка мушрикларидан саҳобалар қўп озор тортиганида уларни Ҳабашистонга боришларини айтиди. Саҳобалар: “Ахир Ҳабашистон подшоҳи мусулмон эмас-ку?” деб савол берганлариди. Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В.): “Тўғри, у мусулмон эмас, аммо у адолатли подшоҳ — деб жавоб берганлар. Айтмоқчи бўлганим, ҳатто Исролда ҳам адолат тамойили давлатчиликнинг асоси, тамали саналади.

Айнан мусулмон ва айни дамда демократ бўлган Президентимизнинг бугунги либерал-демократик сиёсати туфайли жамиятимизда АДОЛАТ ўрнатилганлиги ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу эса ўзбекистон либерал-демократик қадриятлар ислом аҳқомларига тўла мутаносиблигини аниқлатади.

Мақолангизда менга иккиланмасдан, айюханнос солмасдан ишлаш кераклигини таъкидлабсиз. Жавоб бераман: мен айюханнос солганим йўқ, фақатгина муаммоларни кўтариб додламадим ҳам. Аксинча, муаммоларни кўрсатиш баробарида уларнинг ечимлари бўйича ўз фикр ва қарашларимни баён этдим. Ўйибор қилинг! Ҳар бир муаммага унинг ечимни тўғрисида тақлифларимни билдирдим!

Аммо фикрларимга қарши ўлароқ ёзган мақолангизда жўяли бир тақлифни, аниқлик билан танқидни кўрмадим. Фикрлар чалқаш. Шақлан менга эътироз билдирмоқчи бўлгансизу, аслида қўп ўрнида мулоҳазаларимни маъқуллагансиз...

Устига-устак, янги бир мафкура кераклигини ўзингиз тан олганингиз ҳолда, бундан ёмон бўлмаслиги учун нима қилишимиз керак, деб савол бермасдан ҳаракат қилиш керак дебсиз. Сизга мантиқий бир савол билан мурожаат қилмоқчиман: инсон маълум бир ҳодисанинг олдини олиш учун аввал ўйлаб, ўзинга-ўзи савол бериб, нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келиб, ҳаракат қилгани тўғрисида ўйламай тинмасдан мақсадсиз ҳаракат қилгани тўғрисида? Менимча, зукко ўқувчи нима демократиянинг ва саволининг жавобини билади.

РОССИЯ ИСЛОМОФОб ЭМАС!

Шу ўринда, мақолангизда кескин эътирозимга сабаб бўлган бир ҳолатни тилга

олимоқчиман. Телекўрсатувлар сифати тўғрисида сўз юритиб Россия телеканалларини мактайсизу, кейин у каналларни исломофобияни ёйишда айблайсиз. Ваҳоланки, жаҳонда бугун исломофобия тенденцияси қучаяётган мамлакатлар бу Ғарб мамлакатлари. Устига устак Исроми маърифий ва радикал Исроми деб уни бўлишга ҳаракат қилаётган қучлар ҳам Ғарбда. Исроми ягона эканлигини, унинг бўлинимас эканлигини оммага сингирмоқчи бўлганларнинг овозини “бўғайтган”лар ҳам Ғарбда. Улар ўз инфоромацион имкониятлари билан бунга ҳаракат қилишмоқда. Аммо Россия ҳақида радикал ва террористларнинг Исромига алоқаси йўқлигини таъкидлаб, дунёда исломофобия урчиётганлигини таъкидлаб, таъкидлаб қўйиш керак. Умумий ўлароқ Россиянинг ахборот сиёсатида ҳам бунга амал қилиниб келмоқда.

ТУЯҚУШ СИНДРОМИДАН ВОЗ КЕЧИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Узоқ йиллар мобайнида “Оммавий маданият” билан кураш пиори остида жамият хали буларни муҳокама қилишга тайёр эмас баҳонаси билан маънавий таҳдидларнинг вужудга келишига имкон яратадиган камчиликларимизни очик муҳокама этиш ҳуқуқи чеклаб келинди, “миллий менталитетимизга ва маънавиятимизга тўғри келмайди, зид!” деган иддаолар билан муаммоларни очик муҳокама қилишдан қочилди. Бугун дунёда рўй бераётган тенденциялардан ёшларни оғоҳ қилиш ўрнига чеклаш билан киёфояландик. Буларнинг зарарини, оқибатларини жамиятимизда кўриб-билиб турибмиз.

Хўш, Нега бундай бўлди? Нега бунга ўша пайтда айтмагансиз, дея иддао қилишнинг мумкин. Жавоб бераман: айтганман, муаммолар ҳақида, уларни ечиш механизмлари ҳақида тақлифлар ҳам берганман. Аммо реаллик шу эдики, ўша пайтда маънавий зарарли тенденцияларга қарши самарали курашни механизмлари жорий этилмаганди. Соҳага политтехнолог, пиарттехнологлар жалб этилмаганди, мавжуд мутахассисларнинг аксарияти идеологик тарғиботда янги технологиялардан беҳабар эди. Оммага аудио ва визуал таъсир кўрсатиш, омма фикрини бошқариш, оммада соғлом муносабат шакллантириш усуллари қўлланилмас эди. Бунга на мутахассис етарли эди ва на иктисодий имконият.

Соҳада қилинган энг тўғри ва керакли қадам бу — бундан тўрт йилча аввал со-

ХУЛОСА ЎРНИДА

Иброҳим ака, мақолангизнинг биринчи сатрлариданок қандайдир киноя сездим. Уни тўлиқ ўқиб чиқиб ҳам қандайдир тушуниксизлик пайдо бўлди. Ўз муносабатингизда аксарият ҳолларда меннинг қарашларимга инкор билан бошланган фикрлар охирида, қутилмаганда меннинг ҳақлигимни тан олиш билан туташип ва аксинча, фикримни қўллаб-қувватлаб, ҳулосада яна қаршилик қайфияти... Қисқаси, яккама-якка жангга чиқиб тох зарба бериб, тохиди кел, энди курашмайлик, деган полвон ҳаракатидек тушуниксизлик, бир қарорга келолмаслик қайфияти, тохиди ўз қарашларингизни ўзингиз инкор этган ҳолатларингиз мени “хайрон” қолдирди. Сизга бу мақолада буюртма асосида мафкура билан шуғулланувчи бирор марказ ёдирдимки, деган фикрлар ҳам ўтди ҳаёлимдан. Умид қиламанки ундай эмас.

Бизга қандай мафкура кераклиги ҳақидаги фикрим эса ўзгарибди. Бизга янги — “АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ — КУЧЛИ ДАВЛАТ” мафкураси керак. Чунки “КУЧ — АДОЛАТДАДИР!”

Сўзим сўнида бир нарсани очик айтиб қўйишим зарур. Барибир сарлавҳада бизнинг буюк мақсадимиз ва қучли Давлат ишончимизга нисбатан ушолмас орзу сифатида баҳолаганингиз, либерал-демократияга нисбатан адолатсиз ва асоссиз қарашларингиз менга оғир ботди. Шунинг билан, шу миллатнинг парчаси бўлганимиз — меннинг отам, мен, укам, ҳатто меннинг тўрт нафар воғга етмаган ўғилларим, ўзим тарбиялаган 12 та шогирдим, партиядошларим сўнги нафасимизгача, аввало, Оллоҳга иймонимизни, кейин Давлатимиз ҳақида қиёматгача мустаҳкам оёқда туришига бўлган ишончимизни бой бермаймиз! Душман жонимизни олса ҳам иймонимиз ва бу ишончимиздан воз кечмаймиз!

Ўйламанки, баҳсимиз шу билан нихоясига етади. Агар қаминга яна қандайдир эътирозларингиз бўлса, келаси сафар матбуотда, тўғридан-тўғри интернет имкониятларидан фойдаланиб жонли эфирда (!) мунозарара (дебатга) тақлиф қиламан!

Саид-Абдулазиз ЮСУПОВ,
сангтарош уста

P.S. Мен миллатимни бошқаришчи эмас, бошқарувчи, тарбияловчи эмас, тарбияловчи сифатида қўришни истайман.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

2017 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди фаолияти ва уни ривожлантириш Дастури, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг иш режасига мувофиқ, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни эркинлаштиришда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида изчил ҳамда тизимли ишлар амалга оширилди.

1. Фондининг ҳисобот давридаги фаолиятига шарҳ.

Фонд маблағларини тақсимлаш тартибига мувофиқ, Давлат бюджетидан ажратиладиган ҳар йилги маблағларнинг ҳажмини белгилаш ва самарали тақсимлаш мақсадида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳамда лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари чуқур ўрганилди.

Натижада Парламент комиссиясининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун бюджет сўровномаси шакллантирилиб, Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари лойиҳасини қўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун белгиланган маблағ миқдори тўғрисидаги Парламент комиссиясининг тақдимномаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроектсодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар ҳажми 12 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми 2008 йилга нисбатан 5,5 баробарга ошди.

Қонунчилик нормалари, Парламент комиссиясининг 2017 йил 21 февралдаги 3-, 4-, 5 - сонли қарорига мувофиқ ажратилган маблағлар қўйидагича тақсимланди:

- давлат грантларига — 5 миллиард 330 миллион сўм ёки жами маблағнинг 45,5 %;
- давлат ижтимоий буюртмаларига — 2 миллиард 400 миллион сўм ёки жами маблағнинг 20,0 %;
- давлат субсидияларига — 4 миллиард 270 миллион сўм ёки жами маблағнинг 35,5 %.

1.1. Танловларни ташкил этиш, дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

Ҳисобот даврида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун 1 та ҳамда давлат грантларини ажратиш учун 6 та танлов, жами 7 та танлов ўтказилди.

Парламент комиссиясининг 2017 йил 21 февралдаги 5-сонли қарори билан Жамоат фондининг ҳисобот йилидаги давлат гранти танловлари ўтказилишининг тасдиқланган режаси тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланди.

Хусусан, Давлат грантлари қўйидагиларга йўналтирилди:

1. “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТларни фаол иштирокини таъминлаш” мавзусидаги 1-танловга 164 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 175 та лойиҳалар тақдим этилди. Ушбу лойиҳаларнинг 51 таси 1 миллиард 250 миллион сўмга қўллаб-қувватланди.

2. “Мамлакатда рўй бераётган демократик ислохотларнинг аниқ натижалари тўғрисида миллий ва хорижий аудиторини хабардорлигини ошириш, сўз эркинлигини ва ахборот олишни, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштиришни таъминлашга қўмаклашиш” мавзусидаги 2-танловга 157 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 169 та лойиҳалар тақдим этилди. Унинг натижалари билан 37 та лойиҳа 900 миллион сўмга молиялаштирилди.

3. “Ёшларни маънавий ахлоқий ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш ишларида, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашга кенг имкониятлар яратишда ҳамкорликни кучайтириш” мавзусидаги 3-танловга 253 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиб, улар томонидан 282 та лойиҳа тақдим этилди. Натижада 51 та лойиҳа 1 миллиард 250 миллион сўмга молиялаштирилди.

4. “Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтиришда, атроф-муҳитнинг муҳофазасини кучайтиришда, мамлакатда экотуризмни ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ижтимоий шериклигининг ролини юксалтириш” мавзусидаги 4-танловга 159 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 175 та лойиҳалар тақдим этилди. Унинг натижаларига кўра, 42 та лойиҳа 1 миллиард сўмга молиялаштирилди.

5. “Жамиятда миллатлараро ва фуқаролараро тоғувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик муҳитини сақлашга ва мустақамлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги танловга 90 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 203 та лойиҳа тақдим этилди. Танлов натижаларига кўра, Парламент комиссияси қарорига асосан 29 та лойиҳа 700,0 миллион сўмга молиялаштирилди.

Ҳисобот йилида 100 та устувор йўналишнинг қамраб олган давлат гранти 6 та танловда жами бўлиб 998 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари 118 та лойиҳа билан иштирок этди. Улардан муҳим ижтимоий аҳамиятга молик деб топилган 248 та лойиҳа

умумий қиймати 6 миллиард 030 миллион сўмга қўллаб-қувватланди.

Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида жамиятда ижтимоий маънавий барқарорликни, тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустақамлаш, эртанги кунга ишонч ва яратувчанлик муҳитини таъминлаш масалаларида дўстлик жамиятлари ва миллий маданий марказлар билан ижтимоий шериклик кучайтирилди.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жойлардаги маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатларидан оғохлантирувчи турли кўргазмалар ахборот ва ўқув материаллари тайёрлади. Аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойиллари, турли юқумли касалликлар профилактикаси, гигиена, санитария масалаларида кенг тушултириш ишлари олиб борди. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик масалаларида ёшларнинг ижтимоий-маънавий ва тиббий-экологик маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутди. Уларга тиббий-гуманитар ва ижтимоий психологик хизматлар кўрсатилди ва бандлиги таъминланди.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари — аёллар, ёшлар ва ногиронларни доимий бандлигини таъминлаш, уларни оилавий бизнесга, тадбиркорликни турли йўналишларига, миллий хўнарамдчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жалб этишда қўмаклашилди.

Давлат гранти лойиҳаларини амалга ошириш давомида 920 кишининг бандлиги таъминланди, умумий ҳажми 1 миллиард 332 миллион сўмлик ойлик иш ҳақи тўланди.

Давлат гранти лойиҳаларини амалга оширишга ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 2 миллиард 503 миллион сўм ўз маблағлари ҳамда 682 кўнгилчиларнинг меҳнатлари жалб этилди. 112 та ўқув курси ва марказлари ташкил этилди. Уларда аҳолининг турли қатламларида мансуб бўлган 5145 киши ўз касбий малакаларини оширди. Давлат грантлари лойиҳалари доирасида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 439 та янги иш ўринлари яратилди. 128 000 дан ортиқ фуқаролар иштирокида турли хилдаги 3 мингтадан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Давлат гранти олувчилар томонидан 25500 донга бўлган турли тарқатма материаллар тайёрланди.

Давлат грантларини амалга оширган фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базаси 776 донга замонавий ахборот-коммуникация техникаси, ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан мустаҳкамланди, бу мақсадлар учун улар томонидан 1 миллиард 439 миллион сўм маблағ сарфланди.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида босма ва электрон ОАВларда 1085 маротабадан кўпроқ ёритилди.

1.2. Давлат ижтимоий буюртмаларининг жойлаштирилиши ва уларнинг натижалари.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси ва давлат органларининг талабномаларига мувофиқ ташкил этилган давлат ижтимоий буюртмаси танловларига 14 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 16 та лойиҳа тақдим этди. Танлов асосида 3 та йўналишда 9 та лойиҳа 2 миллиард 070 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

1. Аҳолини, биринчи навбатда болалар, ёшлар, аёллар ва имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида 5 та ижтимоий буюртма лойиҳаси 700,0 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

Лойиҳалар “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Саёр” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази, “Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Экологик ҳаракати каби нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилди.

Натижада иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши республика даражасидан паст бўлган туманларда аёллар ва ногиронларни оилавий бизнесга ва хусусий тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб қилиш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, қўшимча касбий кўникмаларини шакллантириш, ёшларни экологик маданияти ва дунёқарабини шакллантириш, табиатни асраш бўйича кўргазмалар материаллар тайёрланди, аҳоли ўртасида тарқатилди. ОАВларда мазкур мавзуга бағишланган чиқишлар қилинди.

Ижтимоий буюртмани амалга ошириш натижасида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида касбий кўникмаларига эга бўлган тингловчилардан — 655 та қиз ва аёллар ишга жойлашди, 72 та аёл хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолиятини бошлади. Республиканинг чекка туманларида жами 1000 нафар хотин-қизлар бизнес режа тузишга ўргатилди.

«Саёр микрокредит ташкилоти» МЧЖ томонидан хусусий тадбиркорлик билан шугулланиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида касбий кўникмаларни эгаллаган ёшларга 63,7 млн. сўм миқдорда 41 та микроқарзлар берилди.

Экология, атроф-муҳитни асраш борасида 805 та ижтимоий тарғибот баннерлари шаҳар ва туман, қишлоқ ва овуллар марказларига ўрнатилиб, атроф-муҳитни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш борасида экологик маданиятни янада юксалтиришда самарали хизмат қилмоқда. Атроф-муҳит ҳолатининг инсон саломатлиги билан ўзаро муносабати, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш бўйича 4 та услубий қўлланма тайёрланди.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, миллий журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштиришга қўмаклашилди. Ушбу йўналишда 500 млн. сўмлик 2 ижтимоий буюртма тақдим этилди.

ОАВ ҳодимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Олтин қалам” XII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилди. Танловда 530 нафар журналист 9500 дан ортиқ ижодий иши билан қатнашди. Улар орасидан 18 та журналист танлов ғолиби ва совриндори деб топилди. “Туркистон пресс” нодавлат ахборот агентлигига ажратилган 100 млн. сўм давлат ижтимоий буюртмаси маблағ-

ларини мониторинг натижаларига кўра Парламент комиссиясининг 2017 йил 5 октябрдаги 35-сонли қарорига мувофиқ жамоат фондининг ҳисоб рақамига қайтарилди.

3. Миллатлараро маданий муносабатларини ривожлантириш, замонавий Ўзбекистонда миллатлараро тоғувлик ва бирдамлик халқларнинг маданий-тарихий мероси, анъана ва удумлари соҳасида эришилган ютуқларни кенг намойиш қилишга юксак эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда 2 та лойиҳа 870 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

Давлат ижтимоий буюртмаларини амалга ошириш доирасида “Имом Бухорий эътирофи” номли китоб нашр учун тайёр ҳолга келтирилди. Имом Бухорий халқаро маркази қўлэмалар фондида сақланаётган 500 дан зиёд ноёб қўлэмалар асарлар каталоги тайёрланди.

Корейс миллий маданий марказига ажратилган давлат ижтимоий буюртмаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобига 2 қаватли “ННТлар ва Дўстлик уйи” биноси таъмирдан чиқарилди.

1.3. Давлат субсидияларининг ажратилиши ва уларнинг ўзлаштириш натижалари.

2017 йилда давлат субсидияси олувчи 6 та ташкилот — ФЖШМКМИ, ЎзННТМА, ЎзЭОАВМА, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва АА қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг фаолият дастурлари 4 млрд. 270 млн. сўмга қўллаб-қувватланди. Давлат субсидияси шаклида қўшимча равишда Ўзбекистон экологик ҳаракатида 62,2 млн. сўм, ФЖШМКМИ 258 млн. сўм ва Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг навбатдаги конференциясини ўтказиш учун 100 млн. сўм маблағ ажратилди. Давлат субсидияси шаклида жами 7 та ташкилот 4 млрд. 690 млн. сўмга молиялаштирилди.

Давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан субсидия олувчиларнинг 412 та штат билингидан иборат бўлган девонлари харажатлари қопланди, шунга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси харажатлари давлат субсидиясининг умумий ҳажмида 70 фоизни ташкил этди.

Давлат субсидияси олувчилар йил давомида 2668 та ҳудудий ва республика тадбирларини, жумладан, 4 та халқаро тадбирларни ўтказди ва уларда 127800 дан ортиқ киши иштирок этди. Ўтказилган тадбирлар ижтимоий шерикликни янада кучайтиришга, ижтимоий шериклик субъектлари давлат дастурларини, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини, соҳавий дастурларини ва бошқа ижтимоий дастурларини амалга оширишда иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилди. Унинг натижасида 27 та қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди ва тавсиялар давлат органларига қўриб чиқиш учун киритилди. 600 дан ахборот таълилий материаллар, 18 300 та ахборот берувчи ва аниқлик характерга эга бўлган материаллар, шу жумладан, телерадиоқўрсатувлар тайёрланди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг амалга оширилишининг боришини ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ёритишга қаратилган 2000 дан ортиқ медиа маҳсулотлар эфирга узатилди.

Ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий фестивали, “Озод юрт тўлқинлари”, “Журналистлар баҳори—2017” медиа-фестиваллари, матбуот ва ОАВ ҳодимлари кунига бағишланган акциялари ўтказилди.

Журналистларнинг ижодий фаолигини рағбатлантиришга йўналтирилган турли хилдаги семинар-тренинглар ва бошқа туркум тадбирлар ташкил этилди.

Умуман, ҳисобот йилида, Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 264 та лойиҳа ва дастурларини амалга оширишлари учун давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидиялар шаклида 12,7 млрд. сўмлик давлат кўмаги кўрсатилди. Давлат гранти, ижтимоий буюртмаси ва субсидияси шаклида қўшимча равишда 30 та лойиҳа, давлат субсидияси шаклида 1 та, давлат гранти шаклида 29 та лойиҳа 796 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

Давлат субсидияси, ижтимоий буюртмаси ва грантининг амалга ошириш доирасида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1500 га яқин ҳодимлари иш билан таъминланди, уларга ойлик иш ҳақи шаклида 4,7 млрд. сўмдан зиёдроқ маблағ тўланди.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўз молиявий манбалари ҳисобидан 10,2 млрд. сўм маблағ жалб этилди ҳамда 900 га яқин кўнгилчилар фаол иштирок этди. Давлат кўмаги олувчилар томонидан 266200 киши иштирокида 5800 турли тадбирлар ўтказилди, 3991800 нусхада 26100 та материаллар тайёрланди.

Лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш жараёнида босма ва электрон ОАВларда 18300 маротаба ёритилди. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техник базаси 859 донга замонавий ахборот-коммуникация техникалари, ўқув ишлаб-чиқариш инвентарлари билан мустаҳкамланди ва уларга 2,3 млрд. сўм йўналтирилди.

2. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий базани, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларни такомиллаштириш, уларнинг эркин ва мустақил ривожланишига қўмаклашилди.

Ҳисобот даврида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳодимлари бир қатор норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Хусусан:

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, унинг Ва-

сийлик Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этилди.

Ушбу ҳужжатнинг бажарилиш натижалари Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг Қўшма йиғилишида, Парламент комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг йиғилишларида бир неча марта муҳокама қилинди, жамоат комиссияларининг таркиби қайта қўриб чиқилди.

3. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги таъминланди.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ўзининг 2017 йилдаги фаолиятини ҳамда мол-мулкдан фойдаланишини очиклик, ошқоралик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширди.

Очиклик, ошқоралик ва шаффофлик тамойилларини амалда қарор топтириш мақсадида ОАВлар — телевидение, радио, интернет, босма ОАВ ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг миллий механизми фаолияти 6863 марта давлат ва нодавлат босма ва электрон ОАВларда ёритилди. Давлат грантларини ажратиш бўйича танловларга оид эълонлар 5000 дан ортиқ маротаба турли теле-радио каналлар орқали эфирга узатилди.

Марказий босма ОАВда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ва Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг фаолияти ҳақида 200 га яқин мақола чоп этилди.

Ҳисобот даврида Парламент комиссиясининг 13 та йиғилиши ўтказилиб, уларда “учинчи сектор” субъектларининг фаолиятига доир, жамиятда ижтимоий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ 68 дан ортиқ долзарб масала қўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалаларнинг натижалари электрон ҳамда босма ОАВда кенг ёритилди.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миллий механизмининг фаолияти Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Маданият ва маърифат” телеканаллари ҳамда Ўзбекистон электрон ОАВ Миллий ассоциацияси Ахборот маркази, “Менинг юртим”, “Uzgeroi” ва бошқа телерадиоканалларда 12 мингдан ортиқ маротаба эфирга узатилди.

Парламент комиссияси ва Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг фаолияти “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Правда Востока”, «Uzbekistan Today», “Жамият”, “Хуррият”, “Моҳият” ҳамда бошқа ОАВларда кенг ёритилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбар ҳамда фаолларининг хабардорлигини оширишга, жойларда ижтимоий шериклик тамойилларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Парламент комиссияси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг аъзолари, маҳаллий давлат бошқаруви ва ижро органлари вакиллари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакиллари учун 50 дан ортиқ турли тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва мулоқотлар ташкил этилди.

4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига асосан, Фонд тегишли идораларга мос равишда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этиб келмоқда.

Фонд ўзининг 2017 йилдаги фаолиятини ҳамда мол-мулкдан фойдаланишини ошқоралик ва очик-ойдинлик тамойиллари асосида амалга оширди. Ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Сенати, Ҳисоб палатаси, Парламент комиссияси, Молия вазирлиги, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи органга, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар тақдим этилди.

Белгиланган тартибда ички аудит амалга оширилди. Тафтиш комиссияси 2017 йил учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг молиявий-ҳўжалик фаолияти текширувини ўтказди. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 2018 йил 12 мартдаги Парламент комиссиясининг йиғилишида ўқилиб, маъмурий харажатлари 9,7 миллион сўмни ташкил этди. 2017 йилда Жамоат фонди молиявий фаолиятидан 62,6 миллион сўм даромад олди. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг ҳисобига ихтиёрий хайриялар тушмади.

5. 2017 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи (бухгалтерия баланси)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2017 йил млн. сўм	Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2017 йил млн. сўм
АКТИВ			ПАССИВ		
Жорий активлар			Ўз маблағларининг манбалари		
Айланма активларнинг якуни	390	1 181,4	Ўз маблағларининг манбалари якуни	480	1 181,4
Баланс активи бўйича жами	400	1 181,4	Баланс пассиви бўйича жами	780	1 181,4

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижро девокни

Бошлангич
1-бетда

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Афғуски, афғон уруши йиллар ўтган сари жанг майдонларидан наркобизнес, терроризм, экстремизм каби кўзга кўринмас уруш ўчоқларига кўчди. Энди бу заминдаги нотинчлик ва зўравонликлар, ноҳақ қон тўкишлар дунёнинг барча минтақаларига таҳдид солар даражада кенгайди.

Агар Афғонистонда тинчлик ҳужм сурганда 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бўлмасди, минглаб инсонлар террор курбонига айланмасди. Бу юртда тинчлик-осойишталик бўлганда, диний экстремистик ҳаракатлар илдири олмади, дунёнинг турли минтақаларида нотинчлик оловини ёқаётган ёвуз кучлар, Ислон давлати деб номланган террорчилик ташкилоти пайдо бўлмасди. Гиеҳванд моддалар ва ноконуний қурол савдоси нафақат кўпчи давлатлар, балки бутун дунё ҳамжамиятига таҳдид солмасди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жаҳонда Афғонистон заминидagi тўқнашувлар, “уруш олови” афғон халқининг ўз танлови эмас, аксинча, четдан тикиштирилган фитна натижасидир. Ана шу нотинчликдан афғон халқи ўн йиллар давомида жабр чекиб келмоқда, миллионлаб одамлар ўз уйини ташлаб олиб юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Бу заминдаги кескинлик Марказий Осиё мамлакатлари жаҳон иқтисодиётининг фаол интеграция жараёнларидаги иштирокчи салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, тинч Афғонистон савдо-иқтисодий, транспорт-логистик имкониятлари билан Ўзбекистонга бошқа минтақаларга денгиз орқали қисқа йўл билан чиқиш имконини берар эди.

Халқимизда «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади», деган нақл бор. Афғонистонда қарийб 40 йилдан бундан ортиб келаятган можаро афғон халқининг ҳаётини ўнлаб йиллар орқага суриб ташлади. Бу ҳудудда пайдо бўлган инкироз, аҳолининг қашшоқлашуви дунё ҳамжамиятидан аллақачон глобаллик касб этган ушбу муаммага бир-галликда амалий ечим топишни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда қатор лойиҳалар амалга оширилди, мулоқот гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон 2017 йилда Афғонистон муаммосини халқ эътиборига ўтказилган турли форматдаги халқаро ва минтақавий анжуманларда, жумладан, кенгайтирилган таркибдаги Москва учрашуви (апрель), “Кобул жараёни” (июнь), Аф

ғонистон Ислон Республикаси-га оид минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (Амхобод, ноябрь), “Осиё юраги – Истанбул жараёни” (Боку, ноябрь-декабрь) ва Халқаро мулоқот гуруҳи йиғилишида (Осло, декабрь) юқори даражада катнашди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позициясини баён қилди, бу борада аниқ таклифлар билдирди. Ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилиши йўлидаги ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг олий даражадаги учрашувида мамлакатимизнинг бу борадаги ижобий позицияси ўзаро манфаатли келишувлар орқали янада мустаҳкамланди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум ўз формати ва Афғонистон муаммоси бўйича аниқ ечимлар топишга қаратилгани билан илгари халқаро анжуманлардан фарқ қилади. Шу боис уни ўтказиш ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатшунослар ва экспертлар томонидан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликка эришиш, шу орқали нафақат Марказий Осиё, балки унга туташ минтақаларда тинч тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи мазкур конференция афғон халқининг муаммоларини хал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди.

ши билан амалий аҳамиятга эга, деган фикрлар билдирилди.

Жумладан, Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғани Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги Ўзбекистон ташаббуси фойда катнашди.

Европа Иттифокнинг ташки ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини ўз нутқида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид ташаббусни қўллаб-қувватлашини, бу масала Европа Иттифокнинг доимо эътиборида туришини кайд этди.

Мазкур форумга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам катта қизиқиш билдирди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўллаб, ушбу анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент конференцияси иштирокчиларининг расмий суратга тушиш маросимидан сўнг анжуман шубба мажлисида давом этди. Россия Федерацияси ташки ишлар вазири Сергей Лавров афғон муаммосини хал қилиш “ташаббуси” минтақа давлатларининг ўзидан чиқаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Тошкент конференцияси ўз вақтида амалга оширилган муҳим жараён экани ва ундан халқаро ҳамжамият ижобий натижалар кутиб қолишини таъкидлади.

Туркия ташки ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу Тошкент конференцияси Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутишини, бу бекарорликка сабаб бўлаётган кучларнинг ўзаро ярашувига оид жараёни тезлаштиришга ёрдам беришини кайд этди.

АҚШ Давлат қотибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннон Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ташаббуслари билан минтақа давлатлари тараққиётга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётгани, шу жиҳатдан дунё ҳамжамияти мазкур конференцияга муаммони хал қилишда амалий ечим сифатида қараётганини кайд этди.

Хитой Халқ Республикаси ташки ишлар вазири ўринбосари Ли Баодун Афғонистоннинг сармоя, савдо, транспорт имкониятларини ошириш учун уни қўшни давлатлар қўллаб-қувватлаши зарурлигини таъкидлади.

Покистон Ислон Республикаси ташки ишлар вазири Хавважа Мухаммад Асиф Афғонистондаги нотинч муҳит бевосита қўшни ва узоқ давлатлардаги вазиятга салбий таъсир этишини, шу боис барча ушбу мамлакат тинчлиги учун ҳамжихатликда ҳаракат қилиши қутулган натижани беришини кайд этди.

Анжуманда таъкидланганидек, айрим геосиёсий кучларнинг Афғонистонда юзага келган вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётгани ушбу мамлакатда вазиятни яхшилаш даражасидаги иштирокчиларга тўқнашлик қилмоқда. Бунинг оқибатида террорчи ташкилотлар жангариларининг Афғонистон ичкарига тобора кўпроқ кириб бориши ва уни ўз полигонига айлантиришига йўл очилмоқда.

Афғонистон муҳим трансчегаравий ҳудудга жойлашган. Бу мамлакат билан ҳамкорликдан Марказий Осиё давлатлари энг кўп манфаатдор. Анжуманда Марказий Осиё мамлакатларининг ташки сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонлар бу йўлда барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканини кайд этди.

Халқаро конференцияда НАТО бош қотиби ўринбосарининг ёрдамчиси Жон Манза, Буюк Британия бош вазирининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Гарет Бейли, Италиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Альберто Пиери, Германия ҳукумати Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Маркус Потцель, Катар Ташки ишлар вазири махсус вакили Мутлак бин Мажид ал-Қахтоний, Япония Ташки ишлар вазири махсус маслаҳатчиси Хироши Такахаши, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор, ШХТ Минтақавий аксидентерро тузилмаси директори Евгений Сисоев, Норвегия Ташки ишлар вазири Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Рольф Вилли Хансен ва бошқалар сўзга чиқди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама қўмаклашши тўғрисидаги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Конференция иштирокчилари анжуман якуни бўйича Тошкент декларациясини имзоладилар. Мазкур ҳужжатда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳил қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Тадбир якунида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон ташки ишлар вазири А.Қомиллов ва Афғонистон ташки ишлар вазири С.Раббоний нуфузли конференцияда эришилган натижалар ҳақида маълумот берди.

Таъкидландики, мазкур халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига фойда қўшишга бўлиб қўшилди. Бундай анжуманлар келгусида ҳам давом этади.

С.Раббоний муҳим тарихий ташаббусни илгари суриб, Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказишга бош бўлган Ўзбекистон Президентига, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Матназар ЭЛМУРОВО,
ЎЗА мухбири

► БУ ТУРФА ОЛАМ

ДЕНГИЗ МАХЛУҚИМИ Ё БАЛИҚ?

Жоржия штатидаги “Wolf Island National Wildlife Refuge” қўриқхонасида дам олаётган америкалик Жефф Уоррен ва унинг ўғли бўйни узун ва боши кичкина номаълум денгиз жонзотига дуч келди. Унинг танасини чўқилаётган балиқчи қушлар одамлар яқинлашган, учиб кетган.

Туристлар исбот сифатида номаълум жонзотни видеога олган. Улар денгиз жонзоти қолдиқларини қадимий плезиозавр ёки афсоналарга кўра Жоржия ҳавзаларида яшайдиган Алтамаха-ха сув ости махлуқига қиёслашган.

Интернетда тарқалган видеолар сабаб биологлар мазкур махлуқнинг жасади жойлашган ҳудудга келишган, бироқ улар денгиз жонзоти алоқадор ҳеч қандай изни топа олмаган. Мутахасссларнинг тахминича, туристлар шунчаки жамоатчилик билан ҳазиллашган бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрича, Алтамаха-ха махлуқи бу шунчаки торпедасимон шаклга эга Миссисипи балиғи бўлиши мумкин. У Шимолий ва Марказий Америкада кенг тарқалган.

ЯПОНИЯДА НООДАТИЙ РЕКЛАМА СУРАТГА ОЛИНДИ



Қунчиқар мамлакатда 72 нафар актриса иштирокидаги ноодатий реклама намоиши этилди. Уларнинг ёши бир-бириникидан бир йилга фарқ қилади.

Аёлларнинг ҳар бири ўз ёшини бир сониягина ижро этиб берди ва ажойиб ролик ҳосил бўлди. Видеода ҳар қандай аёлнинг ҳаёти туғилиш, турмушга чиқиш, фарзандли бўлиш, невара кўриш каби қувончлари билан бирга акс эттирилган.

Ушбу реклама Япониянинг таниқли озиқ-овқат бренди — “Glico” буюртмасига кўра суратга олинди. 72 рақамининг танлангани бежиз эмас, албатта. Аёлларнинг ўртача умр давомийлиги айнан шунча йилни ташкил этади. Реклама берувчи шу тариқа дунёда ўртача умр давомийлиги қанчага ошганини эслати: ўтган аср бошида у 31 ёшга тенг бўлган бўлса, бугунги кунда 71,8 га тенгдир.

ГАРОЙИБ МЕҲМОНХОНАЛАР

Дунёда гаройиб меҳмонхоналар талайгина. Улардан бири Хитойнинг Шанхай шаҳри яқинида қурилаётган 80 метрли меҳмонхона бўлиб, эски қон ўрнида барпо этилаётган ушбу иншоот айни пайтда битиш арафасида. Ер юзасига бинонинг фақат икки қавати чиқиб турлади.

Мазкур меҳмонхонада 370 та хона, мажлислар зали, дам олиш хоналари ва рестороанлар бўлиши режалаштирилган.

Қурилиш битганидан сўнг бино томида дам олиш ҳудудини очиш кўзда тутилган. Бунинг учун у ерда қўчатлар, дарактлар ўтказилади ва майсазор барпо қилинади. Режага кўра, бино марказида шаршара ҳам қурилади ва у меҳмонхонанинг асосий рамзи бўлади.

Ана шундай гаройиб меҳмонхоналардан яна бири Финляндияда пайдо бўлди. У чана устида қурилган. Шимол ёдусини қузатиш истагида бўлган кишилар учун ушбу кўчма меҳмонхона жула қулай.

Чана устида ҳаракатланувчи иншоотдаги ҳар бир хонанинг узунлиги тўрт ярим метр, эни эса икки ярим метрни ташкил этади. Меҳмонхона ичиди қаравот, стол, иситич ва ҳолатхона мавжуд. Хоналар девори ва шифти шифтоф материалдан ишланган.

Меҳмонхонага таширф буюрувчилар Шимол ёдусини ётган ҳолда ҳам томоша қилиши мумкин. Бу ерда ҳаммаси бўлиб учта хона бор. Уларни брон қилиш апрель ойининг ўрталарига қадар давом этади.

ДУБАЙДА “АҚЛЛИ” АВТОРАҚАМ



БААнинг Дубай шаҳри йўл ва транспорт бошқармаси “ақлли” автарақамларни синовдан ўтказмоқда. Бундай рақамларнинг сонлари, дизайни ва

бошқа маълумотлари ўзгариб туради.

Дубай бундай тизимни жорий қилаётган дунёдаги биринчи шаҳар бўлади. Бу қалам Дубайни “дунёдаги энг ақлли шаҳар”га айлантириш ташаббусининг бир қисми саналади. Ушбу ташаббус “Team Target International” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Мазкур рақамларни марказлашган ҳолда назорат қилиш мумкин ва улар ёрдамида автарақамлар ҳамда транспорт воситаларининг ўғирланишини бартараф этиш имкони бор.

Автарақамнинг афзалликларида яна бири шундаки, у орқали йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига рулни ўргатувчи бошқариб кетаётгани ҳақида хабар бериш мумкин.

Интернет материаллари асосида
Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади

ЭҲЛОН

Тошкент шаҳар, Шайхонтоқур тумани Марказ-14, 25-уй, 57-хонадоннинг уй-қаластр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

► ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Театрлар ҳам бошқа санъат турлари каби ўз тарихига эга. “Театр” сўзи асли юнонча сўз бўлиб, “томошахона” деган маънони англатади. Маълумотларга қараганда, биринчи театр постановкаси эраимиздан аввалги 2500 йилларга бориб тақалади. Театр ва дин ўртасидаги ўзаро яқинлашув туфайли трагедия, комедия ва бошқа жанрлардаги санъат наъмуналари пайдо бўлди.

Ўзида адабиёт, мусиқа, вокал, хореография ва бошқа санъат турларини мужассамлаштирган мазкур санъат тури инсонларни хамиша ўзига жалб қилиб келган. Бойси, кинодан фарқли ўлароқ унда “жонлилик” бор.

Маълумки, тарихда хануз номи тилларда дoston бир қанча машҳур театрлар фаолият юритган. Уларнинг бири Афғонистонда Динос бўлса, яна бири Шекспир ташкил этган “Глобус” театридир.

Айни кунда Қора денгизнинг жадал ривожланиб бораётган курортларидан бири Батумидир. Мазкур шаҳар сайёҳларни нафақат меҳмонхоналари, рестороан ва клублари, балки театр буюми билан ҳам дол қолдиради. Фақат шунча ва бетондан қурилган опера театри 1100 томошанинга мўлжалланган.

Шундан-ку қўя туринг, сувда сузувчи театр ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Ҳар йили Австриянинг Брегенц шаҳрида бўлиб ўтувчи опера фестивалида айнан шундай кўринишнинг гувоҳи бўлишингиз

мумкин. Қизғин шундаки, бутун дунё театр гуруҳлари таширф буюрувчи мазкур фестивалда барчанинг диққат маркази қўл ўртасида сузувчи сахнага қаратилди. Ундаги декорациялар, қўйилган спектакллар жаҳонда ягона ва бетакрор ҳисобланади.

Антика кўринишдаги театрлардан яна бири Гуанчжоудаги “Акула театр”идир. Аждодлари проқлик бўлган британиялик машҳур архитектор Захи Хадид томонидан қурилган мазкур иншоот ҳақиқатда гўзал. Мукамаллиги жиҳатидан ҳам бошқалардан фарқ қилади. Guangzhou Opera House театри шакли акулага ўхшагани боис уни шундай аташади. Томоша залидан 1800 нафар киши ўрин эгаллаши мумкин. Мазкур театр ҳеч бир сайёҳни безътибор қолдирмаслиги аниқ.

Навбатдаги театр ҳам сувда жойлашган. Аммо у Брегенцдаги опера фестивали сахнасида фарқли ўлароқ, мустаҳкам пойдеворга қурилган ва бир жойда туради. Хитой провинцияси Шандунда қўйилган ушбу иншоотда ҳам



турли спектакллар ижро этилади.

Дунёдаги энг катта театр Хитой пойтахти Пекинда жойлашган. Узунлиги 200 метрдан зиёددини ташкил этувчи миллий санъат театри замонавий кўринишга эга. Бир қарашда марварид шаклини эслатувчи ушбу иншоотнинг кўпчилик ўзга сайёраликларнинг космик кемага ўхшатади. Табиийки, дунёдаги энг катта театр биносини қуриш жула катта маблаг ва вақтни талаб этади. Шу боисдан мазкур иншоотнинг қурилиш ишлари 2011 йилдан 2007 йилгача давом этди. Театр 5000 томошанинга мўлжалланган. Унинг ичидида барча зарур бўлимлар, жумладан, савдо марказлари, кон

ференция заллари, кўргазма галерейси ва турли миллат ошхоналари жой олган. Уч йил ичидида театрда 5000 га яқин спектакллар қўйилган. Хитой миллий санъат театрида мингдан ортиқ актёрлар ишлайди.


Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам мақтанса арзигulik қўллаб театрлар бор. Ўзбекистон ҳудудиди биринчи профессионал театр жамоаси 1913 йил ўрталарида Тошкент шаҳрида шаклланиб, 1914 йилнинг бошларида илк миллий пьеса – томошани сахнага қўйган ва шу тариқа расман фаолият бошлаган.

Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театри Ўзбекистоннинг етакчи театри, мусиқа-театр ма

Г.ТУРСУНҲАЛОВА
тайёрлади.

► ДИҚҚАТ ЯНГИ РУКН: ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАСИ

Доно халқимизнинг "Ўтган кунингги унутма, хом чоригингги чиритма..." деган мақоли бор. Сал дағалроқ бўлса ҳам бу топилма айнан ҳақиқатнинг ўзи. Ҳаёт синовларидан ўтмай, бойвачча ота-боболарининг эркатойи бўлиб ўсган, ҳалол нон топиш машаққатини бошидан кечирмаган кимсалар ўта енгил ёки сал оғирроқ шароит таъсирида ўзларини йўқотиб қўядилар.



УМРНИ УВОЛ ҚИЛМАНГ!

Хаммамизга жуда яхши маълум, анча йил аввал ўринсиз жазавага тушиб, бошларини тошларга урган бир қатор ёшлар бебаҳо умрларининг анча қисмини увол қилиб, турмаларда ўтириб чиқдилар. Соддадил, ҳаёт синовларидан ўтмаган ёки бойиш учун осон йўл излаб нафс бало-ниш ўринга кетиб, ватан ҳинларининг тузоқларига илинган бу адашганлар она юртига, ҳатто ўзларини дунёга келтирган ота-оналарига қарши топ отишдан ҳам тиймаган эдилар. Аслини олганда бу масалада фақат ёшлар айбдор, дейиш ўринли эмас. Эътибор беринг, шахар, кўрғон ва қишлоқларни бошқараётган раҳбарлар, депутатлар, айниқса, мактаб жамоалари қаёққа қараб турган эдилар?! Ўлар қандай қилиб шу қадар ташвишли, ачинарли ахволга бефарқ бўлишди? Бу масалада ҳаммамиз баравар айбдоримиз. Чунки бўлаётган хангомаларни кўриб қўрмаганга, билиб билмаганга олганмиз. Ёмон кўринмаслик учун менга нима кераги бор, деб чеккага чиқиб турганмиз. Оқибатда қанчадан-қанча ёшлар қамалди, уларнинг кўп йиллаб олтин умрлари увол бўлди. Хайриятки, Президентимиз ниҳоятда улуғвор вазифани амалга ошириб, кўпчилик адашганларни афв этиб, покиза ҳаётга қайтарди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, бариенглик, кеңиримлилик олижаноб инсонларга хос фазилатдир. Чиндан ҳам афв этилганлар, уларнинг фарзандлари давлатимизга, халқимизга нафрат билан эмас, хайрихолик ва миннатдорлик туйғуси билан яшасинлар...

Энди асосий мавзуга келсак, адашганларнинг бошларига тушган қора кунлардан ўзимиз тегинли хулоса чиқариб олдикми? Ҳамма жойда тарбия-ташвиқот, юзма-юз мулоқотлар, очик савол-жавоблар ўтказилганми? Ёшларнинг тўғри йўлдан адашиб кетишларига энг асосий сабаблардан бўлмиш мактаб жамоалари кейинги фазилатларида кескин ижобий бурилиш йўлига ўтдиларми?

Очиқ-ойдин тан олиш керак, мамлакатимиз ўғил-қизларига тўғри таълим беришда мактаб жамоаларининг ўрни жуда катта.

Аллоҳ инъом қилган умрни увол қилмаслик

ҳақида гап кетар экан, пан-жара ортида неча йиллар ўтириб, гуддек ҳаётини хазон айлаганлар қаторига ўзлари танлаган касбларига лоқайд, юзакни ёндаш-ётганларни ҳам бемалол қўйиш мумкин. Айниқса, ҳозирги давримиз бунақа ҳиёнатларни асло кечирмайди. Шундоқ ҳам кўп соҳаларда, хусусан, маориф йўналишида анча йилларни бой бериб қўйган эканмиз. Оқибатда кўлаб билим даргоҳларида ўқитувчилар етишмайди, етарли таълим ололмаётган фарзандларимизнинг кўпчилиги олий билим даргоҳларига қира олмаяптилар. Хатто бир амаллаб таълим олган ёшлар ўз исмини ҳам тўғри ёзолмайдиган ҳоллар учраб турибди.

Умумий гаплардан қочиб, ўзим бевосита гувоҳ бўлган бир мактабдаги ахволни баён этгай. Бу сафар туман ва қишлоқ номларини айнан келтирмадик. Хуллас, тумандаги мавжуд бу билим даргоҳида ўрта мактабни тиклаш сари қадам ташланмоқда. Афсуски, бу ҳудуддаги айрим ота-оналар фарзандларини қўйни қишлоқ мактабига, ҳатто шахар ва кўрғонлардаги бошқа билим даргоҳларига топшириш ҳаракатида юрибдилар.

Аввало, мазкур мактабда муҳим йўналишлар бўйича малакали мутахассислар етишмас экан. Қолаверса, бу жойда ишлаётган ўқитувчилар ўқувчиларга бўлар-бўлмас вазифалар бериб, ўзлари бўш хоналарда гурунлашиб ўтиришар экан. Бу ҳақда ҳатто ўқувчиларнинг ўзлари гапириб беришди. Мактаб директори ёки унинг ёндашлар вазифага лоқайд қараётган муаллимларга нима учун индашмайдилар?

Чунки асосий раҳбарлар анча олис шахардан қатнаб ишлайдилар. "Мушунини нишот десан" улар бир нарсани баҳона қилиб, мактабга келмай ҳам қўяверадилар. Вазият шундай бўлса, интизомни тиклаш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бир маориф соҳаси эмас, барча касб эгалари ишлайдиган маконда яшаб, бутун вақтини, диққат-этиборини, куч-гайратини иш жойига сарфлаш шарт эканлиги ҳозирги давримиз энг муҳим вазифасидир. Давлатимиз раҳбари бу каби талабларни ҳар бир чиқишларида қайта-қайта мунтазам таъкидлапти-ку! Аслида

уни юқоридан доимий равишда талаб қилиб туриш шартми? Айниқса, келажакимиз пойдеворини барпо этаётган муаллимлар бунга яхши тушунмоқлари, касбларига ҳиёнат қилгандан кўра, бошқа йўлни танлаганлари маъқул. Тўғриси айтганда, бу фақатгина ўз касбига эмас, Ватанимизга, халқимизга, келажакимизга ҳам ҳиёнат, дейиш мумкин! Фидойилик, ватанпарварлик ҳақида кўп гапираримиз. Айримлар, айниқса, ўқитувчилик касбига адашиб кириб қолганлар ўзи ишлаётган жамоада қучли мутахассислар бўлмаслигини, яхши устозлар етишмаслигини ҳуш кўришар экан. Шундай бўлса, улар чала-чулпа ишлаб, истаганча дурс соатлари олишади, хоҳлаётган тартиббузарлик қилишади, лекин жазодан қўли қолмашади! Бунақа қувлик-шумликларнинг умри қисқа.

Юртимизнинг раҳномалигида шу каби кирдиқорларнинг ҳам пайи қирқилмоқда. Ўқитувчилик шарафли касб. Устоз деган улуғ номни бирдангина обрўсизлантириш одобдан эмас. "Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!" нақлига амал қилиб, ўқитувчилик касбига юзакни ёндашганлар бундан хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз. Демак, вазифага астойдил ёндашиб, бола таълими ва тарбияси масаласида ота-оналар, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда ҳар бир тарбиятчи устоз мунтазам суръатда иктидорли шогирдлар тайёрлаб бериши шарт!

Ҳар бир инсонда Аллоҳ томонидан берилган иктидор бўлади. Устоз бунга вақтида фахрлаб, улуғ ва нурли йўл сари отлантирмоғи керак. Ана шундангина барча соҳаларда, айниқса, таълим-тарбия йўналишида кадрлар танқислиги юзга келмайди. Ҳар бир муаллимнинг машаққатли меҳнати меvasи худди шу натижа билан ўлчанади ва баҳоланади. Мактаб раҳбарлари эса муҳимдан-муҳим бу ҳолатни қатъий назорат қилишлари, ўзлари эса ҳар томонлама ибрат бўлмоқлари шарт!

Нурли бу йўлдан чекинмас, ўз илдишимизга ўзимиз болта урган бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, Худойи таоло берган азиз умримизни бекорга сувга окзиб, увол қилиб юборамиз!..

Асад АСИЛОВ,
ёзувчи

ХИКМАТ

Темирни, тошни кўтариб кўрдим,
бирок қарздан кўра оғирроқ нарсани кўтара олмадим.
(Љукмони Ҳаким)

Кичик уйга эй дўст айла қаноат,
каттасин қурмоққа етмайди фурсат.

(Иоганн Вольфганг фон Гёте)

"КЎПЛАР ДОНИШМАНД"

► ТАҲЛИЛ

Яқинда "Бахтли ва фаровон ҳаёт билан руҳ хотиржамлигини таъминловчи фазилатлар" деб номланган 472 бетлик бир китоб қўлимга тушди. Майли-да, номи тумтатароқ бўлса ҳам, балки муаллифнинг ҳаяжони ошиб-тошиб, ниятини дуруст ифода қилмаганлиги, сарлавҳа – бор-йўғи бир либос, ичи яхши бўлса бўлди, дея сотиб олдим. Чунки масъул муҳаррир – техника фанлари доктори, профессор Зокирхонхожи Шокирхон ўғли Афзалов, тақриз ёзганлар – фалсафа фанлари доктори Зияд Давронов, педагогика фанлари доктори Мамаражаб Тожиев, фалсафа фанлари номзоди Гулсанам Тиллаевадай унвондор олимлар бўлса. Техника, фалсафа, педагогика аллоамлари маъқул топган бу "фалсафий-маърифий асар"нинг сарварағида "Бу китоб ҳар кимга керак, ҳар кунга керак" деб битиб қўйилди. Асарга бу таърифлар ҳам кам кўриниб, муаллиф – фалсафа фанлари доктори Бўри Зиямуҳамедов ўзи ҳам лутфан бир манзума илова этибдилар:

"Мазкурни ўқиган доно бўлади,
Ҳақолатдан чиқиб, онги тўлади"

Бай-бай, уни қаранг, нимаки битиб-дурлар, бари илму ҳикмат экан-да! Боз, "Қадимда яшаб ўтган аллоамлар билан шу замон олимлари фикридан келиб чиққан ҳолда, муаллифнинг ўттиз йиллик тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқилган ва Туронзамин халқларида шакллантириш зарур бўлган 13 фазилат туронликларнинг ахлоқ кодекси сифатида қабул қилинса, халқимиз ижтимоий ривож пиллаволарида кўтарила бориб, бу дунёда бахтли ва фаровон ҳаётга ҳамда руҳий хотиржамликка эришиши мумкин эканлигини исботлаш"ни ҳам ўз олдига амалий мақсад қилиб қўйганини айтмайсанми!

Бунча билим ва маърифат беришга ҳиммат қилган валломат ҳар томонлама етук, фозил, оқил ва қомил бир инсон бўлиши керак. Китоб билан танишганча, биология, философия, педагогика, дидактика ва ҳоказо илмларнинг қаймоғи жамулжам бўлганини кўриб, ҳайрат бармоғини тишладим-қолдим. Ана, ўзингиз бир қаранг (имлоси китобдагидек): "Овқатни истеъмол қилганидан кейин у ошқозонга тушиб яхшилаб эзилиб бўтқага айланади, сўнг ишчи чаклардан ўтиб йўғон чаккага тушади" (73). "Акс ҳолда у

устозининг ўғити ва китоб мазмунига тушунмайди" (173); магистрант "илмий раҳбари ёрдамида фандаги ечилмай турган муаммолор ичидан шу кунумизга зарур бўлганларини, яъни долзарб муаммоларни ажратиб олади" (193); "Иккинчиси, ўқув машғулотини лойиҳалаш ва уни амалиётда қўллаш жараёнида, албатта умуммажмулар назариясига асосланувчи, объектив борлиққа «мажму ёндашув» (системикӣ подход) таъминли қонунларига амал қилиш" (396); "Ёзишда давом этинг!" (421)

Домла ҳам ёза берибди, аллоҳ шундай универсал китоб юзага келибди.

Э, вох, биз асардан иқтибос олишга берилиб кетиб, сиз азизлар дилини қап-риктириб турган "Икки дунё саодатига эриштирувчи" анов масала – жами Туронзамин ахлос кодекси бўлажак 13 бандли "фазилатлар" нималигини баён қилишни, сал қоптики, унутмаёзимиз. Мана, улар: 1) "Эзу ният ва соғломлик", 2) "Мустақил фикр ва маълумот", 3) "Имон-этикодлик". 4) "Меҳр-муҳаббатлик". 5) "Ахлоқ ва одоб". 6) "Муаллий муносабат". 7) "Удбаурунлик ва тadbиркорлик". 8) "Меҳнатсеварлик ва шиддат". 9) "Хуқуқий ва экологик маданият". 10) "Миллий гурур ва ватанпарварлик". 11) "Толерантлик ва инсонпарварлик". 12) "Мардлик ва жасорат". 13) "Сабр-қаноат ва саховат".

Яхши бир ашула ё шеър эшитган, қуй тинглаб маъза қилган одам "Жуфт бўлсин!" деб олқишлайди, тилак билдилади. Мен ҳам нафақат туронликлар, балки бутун башариятнинг ахлоқ кодекси бўлса ҳам бўлаверадиган бу "13 фазилат"га "жуфт бўлсин" деб 14-сини – "Андиша ва камтарлик"ни ҳам қўшиб қўйсам, қандоқ бўларкин?

Ана ўшанда муаллиф ёзаётган ҳар бир сўзини ўйлаб ёзади, глобал мавзуларда "доншимандлик" қилмайди, лоқақл, муқаддас китоблардан олинган иқтибосларга эҳтиёт бўлади. Масалан, асарининг бир ерида "бўлажак жамият қомуси таъминлари"дан бири қилиб "Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир, чунки улар Худо ўғиллари дей-ўқин", дея Инжилдан парча берилади. Билмадим, бир мусулмон сифатида, мен "Худонинг ўғли" дейилишдан истиффор қиламан, унинг бандасиман, алҳамдулиллоҳ.

Китобнинг масъул муҳаррири ҳам, уни маъқуллаб тақриз ёзган аллома-

лар ҳам зиммаларидаги масъулиятни сезмаптилар, афсус. Улар Бўри оға "Инжилни ўқимаган одам Қуръонни қаримни тўлиқ тушуниб етмайди" дея (19) Инжилни Қуръондан устун қўйишини, Оллоҳ "Мен инсонни обид эмас, балки олим қилиб яратдим, билим излаган Мени топади" деб марҳамат қилган" (86) деб Қуръону Ҳадисларда йўқ гапларни ёзиб, бу файриисломий "кашфиёт"ларга жазм этаётганини нахотки пайкашмаган бўлса?

Афсуски, шундай. Бизнингча, масъул муҳаррир ҳам, тақризчилар ҳам китоб қўлёмасини ўқимаган, унинг мазмунини билан, ҳатто у босилиб чиққач ҳам, хабардор эмас. Ё бўлмаса, уларнинг илм-билими ҳам муаллиф қатори.

Бўри Зиямуҳамедов фан билан динни қовуштиришга жазм этади: "Биз ҳам китобимизда бу икки билимни бир-биридан ажратмай, бирини бирдан келтириб чиқариб, бирини бирига сингдириб, бирини бошқаси билан исботлашга ҳаракат қилдик" (58), деган эклектикага мойил гапларни ўқиб, бир хайратим ўн бўлди. Илмни далиллаш, динни эса тарғиб этиш ўрнига уларни қорштириб, "бирини бошқаси билан исботлаш"нинг не хожати бор?

"Бахтли ва фаровон ҳаёт билан руҳ хотиржамлигини таъминловчи фазилатлар" китоби ўзи аслида эклектиканинг классик намунаси бўлиб, бир-бирига боғланмайдиган тўрт масала – инсон ва унинг моҳияти ҳақида чўчмак мулоҳазалар, бояги 13 бандлик "бўлуси ахлоқ кодекси", "Янги-ча қараш – "Умуммажмулар" назарияси" ва "Ўқув машғулот лойиҳасини тузишга онд йўриқномалар" борасидаги бит-тиклар бир мавзудаги яхлит китоб дея тақдим этилган. Муаллиф эса, фан билан динни "бир-бирига сингдириш" билан ҳам қиёёланмай, "Қуръоний динлар бўлиб ҳисобланган яҳудий, насроний ва ислом динларини ўзаро яқинлаштиришни ҳам қўйилга тутиб қўйганимиз", дея янада каттарок нияти ҳам борлигини айтиб, суюнчилайди (18). Хўш, "ўзаро яқинлаштириш" учун нима қиларкин – исломнинг бирон арқонини рад этиб, ўрнига анов динлардаги қай бир тарғиботи жорий этармикин? Бизнингча, инсониятга энди янги пайгамбар керак эмас, реформатор ҳам. Дин эса ўта нозик ва қатъи масала – кўриб турганимиздай, одамни алжиратиб қўяди. Ана шундай ҳолларда Хайёмнинг "Кўплар доншиманд деб билдилар

ЁЛФОН ГАПДИРИШ ОСОНРОҚ

► МУЛОҲАЗА

Кўпинча ўзимизни ўзимиз алдаб яшаймиз. Бировнинг хатосини кўрамай, ўзимизникини сезмаймиз. Мақтанишни жуда яхши кўрамай. Яқинда мактаб раҳбарларидан бири ўзлари ташкил этган семинарига муҳбир бормаганидан зорланди. Эртасига фотомухбир жўнатдим. Мактаб директори нима деб жавоб берибди дегн: "Кеча ўқувчиларимиз бир хил формада эди, ҳаммаёқ гул эди, тарқатвордик". Ана сизга семинар. Хўжақўрсинга мақтаниш учун қилинган тадбир.

Ҳаётда ҳар бир ташкилот, унда ишлайётганларнинг ўз вазифаси бор. Улар иш давомида вазифаларини виждонан бажарадиларми? Бу саволга ҳеч ким "ха" деб жавоб бера олмайди. Тан олишни истайсизми, йўқми манфаат кўрмаса ишни битирмаслик, ёлғон ваъдалар бериш хали ҳам бор. Бундай жойлар оз дейсизми? Бояда, шифохонада, ташкилотда, маҳаллада...

Бир қишлоқдошим дафтар тутиб фарзандининг боғчада ёд олаётган шеърни, сўзлари талаффузи, етган таомни, бўйининг ўсиши, оғирлигини ойма-ой ёзиб борди. Уч ой ўтиб боғча опасига ўз эътирозини билдирди. Қани энди боғча опалар ҳар бир бола билан шундай шугулланса. Ота-она талабчан бўлса. Ҳар биримиз маҳаллада яшаймиз. Ҳар бир маҳаллада эъли, тadbиркор ҳамда камхарж оилалар бўлади. Улар тирикчилигини, тиийнлаб тўплаб тўй ва бошқа маросимларини ўтказишга ҳаракат қилиша-

ди. Аксарият мана шундай оилаларда касб эгалламан, вояга етиб нима қилишни билмай юрган йигитлар кўп.

Кейинги пайтларда маҳалларда оралаб, хонадонларда бўлиб уларнинг ташвиш, муаммоларини эшитаётганлар кўпайиб қолди. Вилоят ёки туман раҳбари борган маҳалларда сув, электр, йўл билан боғлиқ муаммолар хал этиляпти. Лекин оила, ундаги ишга лаёқатли йигит-қизни иш билан таъминлаш муаммоси ечими кечикапти. Тўғри, имтиёзли банк кредити асосда томорқасига човроққина иссиқхона қилаётганлар сони ортди. Бирок айрим ҳолатларда ўша кредитлар ҳам эгасига етиб бормаяпти. Меҳнат, солиқ, банк ходимлари гуруҳ бўлиб қишлоқларда юришибди, аҳоли муаммоларини тинглашяпти. Лекин малҳам бўлишолмаяпти.

Ҳар бир қишлоқда 3-4 та турли йўналишдаги тadbиркорлар топилади. Уларнинг ҳар бирида хом ашё ёки иктисодий муаммо

бор. Бизнингча, юқоридagi соҳа ходимлари уларнинг муаммоларини ечишга масъул қилиб бикритилса, амалий ёрдам берган бўларди. Албатта, яна хисоботда ёлғон аралашмаса?

Маҳалламиздаги бир отахон зорланди. Бир ўқувчим катта бир идорага раҳбар бўлибди. Унга набирам ишга кириши керак экан. Борса олмайди. Ўзим бордим. "Келганингиз учун раҳмат. Ҳозир иш йўғ-у, бўлиб қолса айтаман" деди. Бир ойдан кейин набирам: "бирга ўқиган курсдошимни ишга олибди, йўлини қилибди" дея ранжиди. Ташимга чиқармай "Ха, нафсинг қурсин, болам" дедим.

Қузаитишларимиз шунини кўрсатяптики, хали ҳам тили билан дили, ваъдаси билан иши бир одамлар кам. Бу мамлакатимиздаги ҳар бир соҳада кетаётган ислохотлардаги энг катта тўсиқлардан бири.

Наврўз айёми олдида эълон қилинган дунёнинг энг бахтли давлатлари рўйхатида Ўзбекистонимиз бир йилда 3 поғона юқори-лабди. Бу Президентимизнинг юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги борасидаги олиб бораётган сиёсатининг натижаси, албатта. Агар қайси соҳада ишламайлик, ишимизга ёлғонни аралаштирмасак, бор ишимиз билан мактансак, ютуқларимиз янада салмоқли бўлади. Зеро, Ўзбекистонимиз, халқимиз бахтли истикбол йўлида.

Абдулгани ДАМИНОВ

► БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Пенсия олиш учун кимга мурожаат қилиш керак? Мурожаат қилиш тартиби ва муддатлари қандай?

— Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охириги иш жойидаги қорхона, муассаса, тапшиқот маъмурияти орқали берилади.

Маъмурият ариза тушган кундан эътиборан, 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштирилади ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдирномаси билан бирга аризачи истикомат қиладиган Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига юборади.

— Пенсия олиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак?

— Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига иш стажини, шу жумладан, махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат; иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома; ариза берувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхаси илова қилинади. Ногиронлик пенсиясини тайинлаш сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига эса юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бахтсиз ҳодиса ва соғлиқнинг ишлаб чиқаришда бошқа шикастланиши тўғрисидаги ҳужжат ёки агар ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса — бошқа расмий ҳужжат илова қилинади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига эса пенсия тайинланаётган шахснинг ёшлиги тасдиқловчи ҳужжат; оила аъзосининг вафот этган боқувчи билан қариношлик натижаси, албатта. Агар қайси соҳада ишламайлик, ишимизга ёлғонни аралаштирмасак, бор ишимиз билан мактансак, ютуқларимиз янада салмоқли бўлади. Зеро, Ўзбекистонимиз, халқимиз бахтли истикбол йўлида.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб бери.

ДЕБ БИЛАМЛАР ҲЗНИ...

Ҳзни...” деб бошладиган машҳур рубоийи ёдга тушади. Китоб дегани, ёсанг ёзилверди, деб тайёрланмади, ўқувчининг савиясини, бир баҳа бўлса ҳам, кўтаринга қодир бўлиши керак у.

Мен тилга олган нашрда, бунинг устига, минглаб, ха, минглаб имловий ва услубий нуқсонлар қолдириб, бир-бирининг устига айкашиб ётибди. Шунинг ўзиёқ, ҳатто у дохиёна бир асар бўлса ҳам, нашр этмаслик учун асос эди-ку! Бориники, айнан шу китобни “тасодифан” нашриётда ҳам ҳеч ким ўқимагандай. Ҳўш, муаллиф, унинг ўзи-чи? Даринки, она тилда иншо ёздирсангиз “икки” оладиган, олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари тошпирса, “йикилиш” муқаррар ўзбек профессорлари икки юзлаб топилади.

Илмийлик даъвосидаги бунақа алмоий-алжойи китоблар, ажабки, кейинги йилларда кўпайиб ҳам қолди. Уларнинг энг биринчи белгиси — муаллиф шу соҳага оид адабиётларни ўқимаган бўлади, “кашфиёти”ни эълон қиларкан, ўзидан аввалги олимларнинг асарларига мурожаат қилмади, ўзини — дохий тутиб, ҳар бир гапини эса мутлақ ҳақиқат тариқида баён қилади.

Юсуфжон Рўзи Байқандийнинг “КОИНОТ ТУЗИЛИШИ ва Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида энг янги ГИПОТЕЗАЛАР” деган ном билан чоп этилган асари ҳам ана шундай ажаботвор нашрлардан экан. Мактабда физика ва астрономия муаллими бўлиб ишлайдиган тадқиқотчининг китобига физика-математика фанлари доктори, профессор К.Насриддинов “Во ажаб” деган сўзбоши ёзиб, “муаммога тизимли ёндашилгани”ни мамнуният ила қайд этган бўлса, хайратини яшира олмаган кимё фанлари номзоди доцент Н.Севинжон шу китобга иккинчи тақриб-сўзбошини “Тасанно” деб номлаб, асарни “теран фикрлар маҳсули” деб баҳолагани.

Шунча олқишлардан сўнг китобни ўқимай бўладими? Коинот, ҳаёт масалаларига қизиқмаган одамнинг ўзи йўқ-ку. “Гипотеза” — далилланмаган, илмий нааэрияга айланмаган тахминдир. Шундай бўлса ҳам муаллиф уни эълон қилишга жазм этибди, коинот ва Ерда ҳаёт пайдо бўлишга оид 31 та тахминини 23 саҳифада Нострадамуснинг “Центурийлар”ига ўхшаб кетадиган бир услубда баён қилибди. Албатта, 23 саҳифалик нарсаси

китоб бўла олмайди, аммо кашфидан олам аҳли баҳраманд бўлиши учун муаллиф уни боғи тақризлар билан қўшиб рус ва инглиз тилларига таржима қилдириб, алоҳида, 88 бетлик китоб қилиб чиқарибди.

Тўғри, ҳар қандай илмий янгилик гипотезадан бошланади. Жўяли гипотеза тафаккур парвозига йўл очади, айниқса, космология соҳасида бирон янгилик усиз юзага чиқмайди. Ҳўш, Юсуф Рўзи Байқандийнинг гипотезалари қай даражада асосли, унинг мантиқи, илм ҳозиргача қўлга киритган ютуқларга асосланганлиги, янги билим ва тушунчалар беришдаги салмоғи қанча, ҳуллас, бу кашфиётлар тўғри бўлиб чиқса, нимага эришамиз?

Афсуски, китобдан бу саволларга жавоб ололмайсиз. “Коинотнинг — 200 С° га яқин совуқлигида сув муз парчаларига айланган ва у атрофидаги чанг, қум ва турли элемент молекулалари, суяқ ҳолдаги газларни ўзига тортиб катталашаверган, — деб уқтилади муаллиф. — Катталанишнинг олдинроқ (?) бошлагани” (8-бет). Унда, музлашдан аввал сув суяқ ҳолда бўлган экан-да?

Замонавий астрономия бир-биридан узоклашиб бораётган галактикаларнинг спектрал тахлили асосида коинот бундан 12-13 миллиард йиллар аввал “Буюк портлаш” орқали пайдо бўлган, деб уқтирса, муаллиф “сахийлик” билан бунга яна 15 миллиард йил қўшиб беради, коинотда “бундан 27,5-28 миллиард йиллар илгари бўлиб бўлмаган” деб ҳукм этади. Асослашни эса, лозим ҳам топмайди, чунки бу — гипотеза-ку.

Алкисса, орадан яна 7-8 миллиард(!) йил кечганмиш. Кейин, ўзаро тортилаётган жисмлар газ молекулалари орасидан ўтаркан, қизиқ оловлана бошлапти, нима учундир, бу оловланишнинг тезлиги шунча катта самодат атиги товуш тезлигига яқин бўлибди, холос. Уёғини сўрасангиз, буларга “тахминий аниқлик” (?) киритса ҳам бўлар эмиш (13-бет, Гипотеза №5).

Биз бу “оламшумул” кашфларнинг ҳеч бирига батафсил тўхтала олмаймиз, чароки бунга ҳожат ҳам йўқ. Ҳақиқат мантиқи билан ҳомаҳаёнинг қатғир омухта бўлиб кетган бу “янгилик”ларни гипотеза эмас, метатеза деб баҳоласак, тўғрироқ бўлади. Аммо сўз қуруқ бўлмасин, биргина 30-гипотезани кўриб боқайлик. Бунда одамнинг руҳ-жони ҳақида сўз юртилади: “Одамлар ва бошқа жонли мавжудотлар атрофида биомайдон борли-

ғини биламиз, — деб ёзади Юсуф Рўзи Байқандий. — У майдон таъсирида одамлар бир-бирига, ҳатто жисмларга ҳам ўзининг масофадан таъсир қила олишини кўп мартабала кўрганмиш. Демак, биомайдон энергияга эга. Бинобарин, энергия бордан йўқ бўлмайди. Инсон вафот этгач, у руҳ бўлиб унинг танасидан коинотга чиқиб кетади. Коинотда қайта-қайта ҳаёт юзага келгач, у руҳлар яна бошқатдан ўз эгаларига қайтадилар” (29-бет).

Бу шунчаки бир “гипотеза”ми? Йўқ. Байқандий, одам ўлгач, унинг жони кейин туғилдиган бошқа бир одам танасида яна ҳаёт кечиради, деб даъво қиладиган таносус (реинкарнация) тариботчиларига қўшилиб, ислом динида қаттиқ қораланадиган муртад бир ғояни “илмий” тақдим этапти.

...Айрим одамлар маълум ёшга боргач, ўз билимининг мукаммал ҳолда деб тасаввур қилади, ҳаммага сабоқ беришга чорланади. Аслида, бунинг унча зарари йўқ. Аммо ўшандай гапларни китоб қилиб нашр этмаслик учун эса, инсоф керак. Савияси ҳаминақадар, диний, фалсафий, илмий ё маърифий жиҳатдан хато ёки гоҳо зарарли ҳам бўлган бундай китоблар, афсуски, чиқиб ётибди. Нимага десангиз, валлоахат муаллиф пулни опкелиб таплайди, пул бор экан, китоб чоп этириш нима бўпти?

Бу каби нашрларнинг зарари шундаки, улар бирон соҳадаги жузъий масалалар эмас, энг глобал, методологик, умумфалсафий масалаларда ўқувчилар дунёқарашини бузади. Шундай экан, уларнинг олди олини-са, тўғри бўлади. Мазмун саёз, диний, фалсафий жиҳатдан хато, зарари эса нақд бўлган нашрлар йўлига тўғон солиш “хурфирқлик”ни бўғиш эмас. Назаримизда, бунинг бир йўли — ҳар бир китоб қўлёзма-сини нашриёт томонидан мустақил тақриб-ча бериш ва унда маъқул топишларга бо-сини. Илгари шундай тартиб бор эди ва шу боис заиф асарлар бозорга чиқиб кетмасди. Албатта, тақрибчи теккин ишлайди, унинг гонорари деб нашриёт овозина чиқимдор бўлади. Аммо шу ўринда ҳурматли нашрларимизга бир савол: нашриёт очиб, шу соҳада “тадбиркорлик” қилишдан мақсад нима қилиб бўлса-да, пул топиш ҳолосини, ё эл маърифатини юксалтириш ҳамми? Агар ҳар иккиси ҳам бўлса...

кай бири муҳимроқ?

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

►ОРТДА ҚОЛГАН ИЗЛАР

Баъзан 40 йилдан буён “Гулхан”да ишлайману тузукроқ танилмабман-а, агар шу меҳнатни катта нашрларда қилганимда аллақачон катта-катта мукофотларга сазовор бўлардим, деб ҳаёл қиламан. Лекин бундай дўппини бошдан олиб ўйласам, Оллоҳ менга кўпчиликка насиб этавермайдиган бахтни ато қилган экан. Чунки мен минглаб одамлар бир бор юзма-юз кўришни орзу қилган, адабиётимизнинг муаззам устунлари бўлган, ҳаётлигидаёқ мумотозлик макомига эришган, буюк ижодкорлар билан бир жамоада, ёнма-ён, елкама-елка мактовларидан суюниб, танбехларидан куйиниб меҳнат қилган эканман.

Ҳавойийнинг ҲЗНИ

Худойбеоди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Ойдин Хожиева, Омон Матжон... Уларнинг исмини тилга олиш билан юрагим кинидан чиққудай тири-чади. Афсус, у ҳозирда ёшлик гўрлик қилган эканми. Хозирги аклим бўлганда оддийгина сўзга ҳам ҳикоят ёзиб турган таъбиқларини ёнда-тарига ёзиб борган бўлмасидим. “Гулхан”ни ҳар бир бола севиб, излаб ўқийдиган журналга айлан-тира олган, ҳафтидан чоршанба-сини адабий ҳодимлар учун ик-дий ҳисобот қилиб қилиб белгила-ган, бу билан ҳар биримизни ёши-га “мажбурлаган” Бош муҳаррир Худойбеоди Тўхтабоев 1983 йил-нинг бошида “Шарқ Юлдузи” жур-наliga нига ўтиб кетди.

“Гулхан” болаларнинг ўзи-дай беғубор дарғоқ. Бу ердан ик-дий муҳит ҳам тоза. Жамоа эса бир оиладек ахил. Мен шу ерда иш-лаш жараёнида “Касоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар” романиларини ёздим. Менга қолса, бир умр “Гулхан”да ишлайвер-дим, — деди Худойбеоди ака жамоа билан хайрашайиб. Кейин ишоч-қан қўлиб қўйдилар: — Худо хо-ҳласа, журналга яна бир яхши ин-сон раҳбар бўлиб келади. Тўғри-сини айтсам, унга ҳавасим кели-пти, чунки бошлар журналда жуда омадли дарғоқ.

Худойбеоди аканинг башорати тўғри чиқди. — Муҳаббат, агар бизга ким бош муҳаррир этиб тайинланганини аниқтасан, ҳушидан кетасан, — деб қолди катта муҳаррир Темир Убайдулло сирли жимлайиб. — Чунки сен тушундига ва кишининг ше-рларини кўриб чиқасан. — Абдулла Ориповни — сўра-дим юрагим дупури ўзимга ҳам э-шитиб. — Дарров топдига-а, — қудди Темир ака. — Тўғриси яна ҳам, жамоамиз билан журналистга яна Худойбеоди акадай машғур, кези келганда барчамизни қўллаб-қув-ват-ли оладиган ижодкор келишини истаётганлик. Лекин бугун забар-даст шеърлари билан бутун Ўз-бек-истон халқини суяқли шонига ай-ланган Абдулла Ориповни “Гу-ла-хан”га бош муҳаррир бўлиши етти-уқлаб тушундига ҳам қирмаганли.

— Мен қизларни яхши кўра-ман. Уйимда ҳам туртга юзям бор. Бу ерда ҳам қўлчилек экансизлар, — деди Абдулла ака танишув кун. 12 кишилик жамоамизнинг 8 та-сиз аёллар эди-да. — Абдулла акадаги сакимийлик, камтарлик дилимиздаги ҳақиқий ту-мандай тарқатиб юборади. У киши ҳар биримиз билан ўз уқаси, си-ни-лисидай муомала қиларди. Ози-вий ахволимизни ўрганди, бизни ҳам онла аъзолари билан яқиндан таништирди. Ханифа келинонимиз очик юзли, мулоийм аёл экан. Ху-дойбеоди ака ҳақ бўлиб чиқди. Аб-дулла ака нафакат яхши ижодкор, балки тенги йўқ инсон ҳам экан. Худойбеоди аканинг омад бора-сид-даги гаплари ҳам тасдиқини то-пи. Бизда ишлайётганларига кўп бўлмасдан устоз “Дустлик” орде-ни билан мукофотландилар.

— Муҳаббатон, — дедилар мас-у-ул котимизга Тожово ака ўриш-б-ев, — биз Темиров, Мирросо-лов билан Абдулла акани уйига та-риб-лагани кетамиз. (Абдулла ака ўша пайтда “Мабутот уйи”дан унча узоқ бўлмаган “Болалар дунёси” мага-зини орқасидан қўлқаватли уйда-шарлар) Сизлар телефондан ха-бардор бўлиб туринлар.

Гарчи дилимизда устоз хузу-рига бориш, мукофот билан қўлла-гани истаётган бўлса-да, жонига қалавердик. Бирок кўп ўтмай, те-лефон жингилдади. Бош муҳар-ри-римиз экан. — Василлаҳон, нима, қизлар мени та-риб-лагани келмаганими? — де-дилар ҳафасон оҳангиди. — Йўе, Абдулла ака, — хижо-лат бўлиб Василла она. — Унда нега хали ҳам ишхо-ва-да ўтирибсизлар. Тез уйга етиб келинлар. Кеноянингиз ош да-лаяти.

Биз дарҳол йўлга тушдик. Биз-дан кейин Фарҳод Бобоқонов, Э-ни-қобил Шукр келди. Хуллас, шу-қун Абдулла ака хонадонидан ме-ҳ-мон аримди. Назаримизда жамоа-бизга — Абдулла аканинг жамоасига ҳавас билан қараётгандай эди. “Бу му-қофотнинг тенги ярми “Гулхан”-ники”, — дедилар Абдулла ака ўшанда тантилик билан. Ха, Аб-дулла аканинг ҳаммага бир хил ме-ҳ-р қилиб қараётган гаҳуҳур, та-ни-ти инсон эди. Биз ишга тулаб бай-рамга отлангандек, қувонч билан келар эдик. Ишонқандагилар, ме-ҳ-р оҳарибодай ўша тортир эди. Чунки Абдулла ака ҳар биримиз-нинг кичкинагина ятумчилиги ҳам дарров ялаб олар, журналисти-нинг ўша даровлар забардаст и-жод-корларини таъкид қилган хайбат йи-лишларидан охириб-тохириб ме-ҳ-сар эди. Менинг Тошкент Хайво-ни боғининг 100 йиллигига ба-ши-лаб ёзилган “Тошбақа ҳоланинг хайвон” саралашма маколанинг Хайон Назир, Шукрат, Яйра Са-дуллаеваларга овоз чиқариб ўқи-б берардим.

— Қараг, қанчалик бошларга ё-қадангилар тилда ёзилган. Яна уқла-гилар билан бирга муаммоларни ҳам чиройли ифодали олаган, — деб жимлайиб қўйгандилар. Устоз

сарлаҳасини ўқиди “Маймуниг”. Мен эса кўз олдима туғилган та-риб-лаш билан, буюклика хайрат би-лаш тикилар, ҳаяжон билан тин-лар эдим. Абдулла ака шеърини ўқи-б бўлгач бизни борлигимизни ҳам унутиб, уни ўзига маъқул бўлган-гиларнинг тахририга киришди. Чиниқ кетганганимизда қороздан бо-шини кўтариб Равшанга, сен кол-ипорасини қилди. Устознинг деяр-ли ҳар бир шеъри ана шундай во-қеалик эди.

— Манураҳон, битта аччиқ чой дамланг. Сал жашинини босиб олай. Хонир хондан чиниб кетган ижод-корнинг бир гап дилимни оғри-ти. У ўзини шеърятга стақил кир-

ган устоз ҳақида ёмон гап айтди. Устозни ёмонлаш ёмонлаш билан борабор. Жуда катта гуноҳ. Мени айтди дейсан, унинг шух-рати узоққа борамайди. Афсус, бун-и унинг юзига айта олмадим, ўзбек-чилик, — маънос жимлайди устоз. — Мирросоли қарда, бошдан бир-бир йилга телефон қилиб уни сўра-япти. Қимиз, десам Навоийман, дейди, — деди Абдулла ака бир кун-и арғалаб хонамизга шонилиб кириб. — Ха, уми, расом Навоий У-монов, расм чисинга хижоқ бер-ган-ди, — тушунтирдим мен.

— Ё қудратингди! Алишерига чидагандик, Бобурига чидагандик. Энди Навоийни ҳам бор эканми. Юрғатга қойил-а, — дедилар устоз таассуф билан. Ана шундай буюк ва оддий эди Абдулла аканинг.

— Муҳаббатон, жуда серғай-рат, иктидорли қизсиз. Ё шу бу йил турмушга чиниқ етиб мен си-зин апаратга ишга ўтказиб юбора-ман, — деб қолди Абдулла ака янги ёшан маколаним ўқиб туриб-да-дурдустдан. Биз икки йил мо-байнида устознинг феълини ача-тушуниб қолгандик. Шу боис орти-га оталарча ғамхўрлик беркинган бу даражадаги ҳафла бўлдим.

— Биринчи тақдирингиз ма-қулоқроқ, уйдилар ҳам шу фикрда, — дедим биров уқинибора. — Яхши. Унда шу гап учун си-зага мукофот. Республикка ёшлар та-шиқоти бир гуруҳ ёш ижодкорлар-ни Болгарияга туристлик саёҳатга юборитди. Улар саёҳатга си-зин ҳам киритмаган. Демак, саёҳатдан кел-ганнингиздан кейин тўй, — дедилар жимлайиб.

Бирок саёҳатдан қайтсам, Аб-дулла ака Ёзувчилар уюшмасига ишга ўтиб кетдилар. Лекин “Гу-ла-хан” билан алоқаларини ҳеч қачон узмадилар. “Гулхан”да ишлаган йилларини сонин билан эсладил-лар. Қайси учрашувга бормасан-лар “Гулхан”ни деб эсладилар. Қўлларидан келганча журналисти-ни қўллаб-қувватладилар. Дар-воқе, ўшанда Абдулла аканинг га-пига фаршларган оми деган экан-ми, саёҳатдан қайтганимдан кўп ўтмай тўй бўлди. Ҳазарни маълу-м саёҳат билан тўйга кела олмадилар. Лекин Равшан Файдади овоза бе-риб юбордилар. Ундаги сотиққа-да шу тўртлик бор эди:

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Ҳаёт бу машғурат, тиланиман тоқат, Сизларга ёр бўлсин вафо, сийқат, Учирингиз шонига қабил

Садриддин Айний танбехи

►САБОҚ

1988 йилнинг куз фасли эди. Тошкентнинг Кўкча даҳаси, Оқтепа маҳалласида Комилжон ака Баротов билан эрталабчи ошни ўтказиб беришга тўғри келди. Тўй эгаси бир хонани бизга ажратиб, яхши дам олинлар, эрталаб соат тўртда уйғотаман, деб чиқиб кетди. Аччиқ кўк чойни ичиб ухламасдан, суҳбатга берилиб кетдик. Шунда Комилжон ака 1951 йил Самарқанда мусика билим юртида ўқиб юрган кезларида юз берган бир воқеани айтиб берганди:

Арсдан чиқиб, тушлик қилиб ўтирувдик. Билим юрти қоровули, оқсоқол амакимиз олдимизга келиб, эртага кичик наби-расининг суннат тўйи бўлаётганини айтди. Ман-зилим жуда ҳам осон. Садрид-дин Айний уйи қаерда деб сўра-сангиз ҳамма айтиб беради. Мен Айний домла билан бир девор қўшиман. Қийнабмасдан осон-гина топиб оласизлар. Ҳўш бўлмаса, эртагача болалар. Си-зларни кутамиз, деди-да, топи-ли-нич кетди. Тўй кеч тамом бўлди. Машина йўқлигидан биз-ларга Садриддин Айнийни айво-нига жой қилдириб қўйибди тўй эгаси. Эрталабчи нонуштада Са-дриддин Айний ҳам биз билан чой ичаётган бўлишди:

— Ха, болалар нонининг кат-тиқлигидан тишлар оғриб кетя-пти, юмпортга ўрганиб қолган-сизлар-да. Кеча мен ҳам сизлар-ни қўшқиларингизни эшитиб, тишларимни фикрлатиб зўғра томоша қилдим. Айниқса, Фу-зулий, Огохий, Навоий ғазал-лариданги сўзаларни чайнаб та-шладинлар. Ҳар бир сўзини қад-рлар еттинг. Яхшилаб тушуниб айтсангиз, халққа яхши етиб бо-ради. Шунчаки шеър ёдлаб, қўшқиб айтиш бу бемаъниликдир. Санъаткор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Шу гапларимни эс-лаб қолинлар, — деб Садрид-дин Айний домла иссиқ нон кел-тириб, асал, узум, қаймоқ, ёнрок, майизлар билан хонтахтани тўлдирди юборди. Ҳўшнинг ту-гатиб, Қўқонга қайтгач, ҳамма



нарсани бошдан бошладим, деди суҳбат давомида Комилжон ака. Буюк ёзувчи Садриддин Айний-нинг танбехини юрагимга мухр-лаб олдим. Бўш қолдим дегун-ча, адабиёт китобларини ўқиб бердим, ҳар бир ғазалга меҳр қўйиб тушунишга ҳаракат қил-дим. Шу-шу изланишлар давом этди. Орадан 15 йил ўтди. Ра-дио, телекранларда чиқишлар қилдим. Ҳар гал қўшқиб айта-нимда, домла Айнийнинг сиймо-си кўз ўнгимда пайдо бўлади. Радиода кетма-кет қўшқилар ёздирдим. Халққа танилдим. Бу ютуқларимнинг барчасига Са-дриддин Айний сабаб бўлади, деб Комилжон Баратов.

— Гап қўшқиб устида кетаёт-ган экан, бундан ўн йил олдин буюк хофизимиз Жўраҳон Сул-тонов Навоийнинг икки мисра баътинини яхши тушуна олганга сабаб Марғилондан Тошкентга келиб, Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонни топиш, шу ғазалга қуй басталаб ижод қилди. Қўшқиб пайдо бўлди ва радио тасмасига ёздирилди.

Хозирда-чи, айрим бастакорлар пала-партиш айтётган саводсиз қўшқичиларга қўшқиб ёзишмоқда. Гапни дўлдаси ўртада пул бор, қийишқил ортлган юк узоқ масо-фага боролмагандек, қалбаки қўшқичилар ҳам лифтининг бири-чи қаватида тураверди.

1945 йил ўрталарида Наби Ғаниев режиссёрлигида “Тоҳир ва Зухра” киноси суратга оли-наётган маҳалда бирдангига сьёмка тўхтаб қолди. Сабаби,

Анвар ИНОКОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

► ИЧКИ ТУРИЗМ: НУРАФШОНЛИКЛАР БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Дарҳақиқат, унинг меҳрини, ҳароратини туйиш учун сарҳадларини қадам-бақадам зиёрат этиш кишида янада ўзгача кайфият, гурур уйғотади. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори айнан мана шундай туйғуларни шакллантириш, тарбиялаш, она Ватанга муҳаббатни мустаҳкамлашга қаратилгани билан қадрлидир.

Қорақалпоқ диёрида

Ушбу қарор ижросини таъминлаш, ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида Нурафшон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Наврўз байрами арафасида шаҳар фаоллари, маҳалла раислари, корхона, ташкилот ва муассаса ходимлари, жамоат ҳамда ёшлар вакилларида иборат бир гуруҳ нурафшонликлар Қорақалпоқiston Республикасида сафарда бўлишди.

Саёҳат учун қорақалпоқ диёри бежиз танланмаган, аслида. Чунки мамлакатимизнинг шимолий-ғарбида жойлашган бу диёр ўзига хос бетакор маскан. Бой тарихга, узок ўтмишга, ўзига хос ҳаёт тарзига, маданиятига эга серҳикмат гўша.

Хозирги Қорақалпоқiston ўзига хос «археологик қўриқхона» ҳамдир. Бу ҳудудда бугунги кунда 300 дан ортиқ археологик объектлар маъжуд.

Бу қадимий ва навқирон ўлкага саёҳатимиз, табиийки, республика пойтахти — Нукус шаҳридан бошланди.

ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Нукус шаҳри Ўзбекистонда қатталиги жаҳатдан олтинчи ўриндаги кентдир. Бир томонидан Амударё дельтасига тушиб, иккинчи томонидан Қизилқум тўли билан ўралган бу шаҳарни «чўл қўйнидаги мўъжиза» деса бўлади.

XIX асрнинг ўрталаригача хозирги пойтахт шаҳар ўрнида Нукус овули бўлган. 1932 йилда республика марказини Тўртқўл шаҳридан Нукус овулига қўчириш ҳақида қарор қабул қилинади ва шу вақтдан бошлаб, у республика пойтахтига айланади.

Нукус хозирги кунда Қорақалпоқistonнинг илм-фан ва маданият марказига айланган бўлиб, у ерда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Бадийи академия филиаллари, қатор илмий текшириш институтлари, университет ва институтлар, Бердақ номидаги давлат мусикали драма театри, амфитеатр, маданият саройи, спорт ва бошқа маданий комплекслар, мактаблар ва академик лицейлар, ўрта махсус билим юрлари, кутубхоналар маъжуд.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ва шаҳар ташкил топганлигининг 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри 2003 йилнинг 11 сентябрыда «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Бу ердаги мухташам ва замонавий «Азия палас», «Ratmina» меҳмонхоналари ҳамда «Полвон шох» ресторани сафар давомида нурафшонлик сайёҳлар хизматида бўлди.

КЎХНА ТАРИХ АЖОЙИБОТЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, Қорақалпоқiston катта тарихга эга заминдир. Ҳудуддаги «Миздакхан» археологик мажмуаси, «Шиллик» ёдгорлиги, «Тупроққалъа», «Азизқалъа», «Катта гулдурсу» каби қадимий қалъаларнинг ҳар бири катта тарихга эга кўхна ажойиботлардир.

Биргина «Миздакхан» археологик-архитектура мажмуаси жуда катта тарихий даврлар ва тарихий воқеаларга гувоҳлик берадики, унинг ўзи катта бир китоб бўлулди.

Комплекс 225 гектарни ташкил этишининг ўзиёқ унинг са-

лобати ва салоҳиятини намоён этиб турибди. Унинг асосий қисмлари Хўжайли шаҳрининг ғарбидаги учта тепаликда жойлашган бўлиб, унга «Гаурқалъа», «Шамун наби», «Мазлумхан сулу», «Халифа режаб» макбаралари қиради.

Олиб борилган археологик қазилма ишларида бу ерлардан дунёда ноёб бўлган осуяр қабристонлари, тилла тангалар, ҳар хил рўзгор буюмлари, ноёб тилла буюмлар, ёдгорликлар, саройлар қолдиқлари, скульптуралар, эҳром иншоотлари, сопол ва шиша идишлар топишган.

Қадимда қудратли ва гўзал шаҳар бўлган «Миздакхан» мажмуаси кейинчалик деярли ақл бовар қилмас даражадаги улкан қабристонларга айланиб кетган. Аммо бу ердаги ҳар бир сопол ғишгу тошнинг ўз тарихи, битиби бор.

МАЗЛУМХАН СУЛУ МАҚБАРАСИ ЁХУД СЕВИ АФСОНАСИ

Миздакхан археологик-архитектура мажмуаси таркибидagi «Мазлумхан сулу» макбараси алоҳида ўринга ва маҳзун афсонага эга.

Олти бетақор ва мўъжизақор бўлимдан иборат, яхлит бир макбарани ташкил этган бу мажмуа жуда ноёб меъморий қўриқчиликдир. Қишда иссиқ, ёз жазирасида эса ўта салқин бўладиган макбара юят моҳирлик, юксак дид ва ўта аниқ геометрик ҳисоб-китоблар асосида қурилган.

Макбара тарихи милоддан аввалги IV асрларга бориб тақалади.

Афсоналарга кўра, Мазлумхан исмли жуда гўзал қиз бўлиб, унга уста меъмор йигит ошину шайдо экан. Камбағал йигитга кизини беришни хоҳламаган подшоҳ меъмор йигитга севгинининг исботи сифатида дунёда тенги бўлмаган бино барпо этиш шартини қўйибди.

Меъмор йигит бу шартга бажонидил рози бўлиб, йиллар давомида дунёда тенги ва ўхшаши бўлмаган обидани барпо этибди.

Подшо йигитнинг маҳорати, ақл-фаросати ва севгисига, садоқатига тан берса ҳам ўз шартига турмагач. Шунда йигит Мазлумхансиз яшайдан кўра ўлимни афзал билиб, барпо эт-

ган биносининг баланд гумбазидан ўзини улоқтириб, ҳалок бўлибди. Мазлумхан ҳам унинг каби ўзини қурбон этибди. Шу тариха бетақор меъморий обидасифатида барпо этилган қаср ошпақлар қабрини жо этган макбарага айланибди.

САВИЦКИЙ МУЗЕЙИ — САНЪАТ ДУРДОНАСИ

Соҳа мутахассислари эътироф этишларича, Савицкий музейи бутун осие бўйича энг яхши бадийий коллекция, деб тан олинади.

1960 йилларда Москвадан Нукуста келган Игорь Витальевич Савицкий қорақалпоқлар этнографияси ҳамда шу ҳудудларда олиб борилаётган археологик тадқиқотларда фаол иштирок этади ва шу аснода экспонатлар, тасвирий санъат асарларининг ноёб нусхаларини йиға бошлайди. Улар орасида ўша пайтларда шўро ҳукумати томонидан таққилланган тасвирий санъат асарлари ҳам бор эди.

И.В.Савицкий 1966 йилга келиб, Нукус шаҳри ҳукуматини санъат музейи очилишга қўндиради ва ўзи ташкил этган янги муносабатини биринчи директори этиб тайинланади.

Музейнинг илк экспонатлари бўлган тасвирий санъат асарлари орасида Ўрол Тансикбоев, Надежда Боровая, Амшей Нюрренберг, Владимир Уфимцев каби моҳир рассомларнинг ноёб асарлари, Қорақалпоқistonнинг қатор муҳим амалий санъат асарлари ҳамда қадимги ҳоразм даврига оид ноёб археологик экспонатлар бор эди.

2003 йилда бу ноёб музей шаҳардаги 3 қаватли, ҳалқаро музей буюмларини сақлаш талабларига жавоб берадиган қурилма билан жиҳозланган янги бинога қўчиб ўтди. Унинг хозирги коллекцияси 90 000 турли экспонатлардан ташкил топган бўлиб, ўзида рус авангардларининг ноёб асарлари коллекциясини жамлаган ҳолда «Эрмитаж» музейидан кейинги иккинчи музей сифатида тан олинади. Унда Франциянинг машҳур «Лувр» музейидagi айрим асарлар нусхалари бўлган экспонатлар ҳам ўрин олган.

Бу музей бежиз «Ўзбекистон гавҳари» дея айтилмаганлигига гувоҳ бўлди.



СЎНГИ СЎЗ

Қорақалпоқ диёрида оз фурсат бўлиб, кўрган-билганларимиз бу серҳикмат замин тарихи денгизидан томчи, ҳолос.

Уни чуқурроқ ўрганиш, кўхна обидалар сирларидан воқиф бўлиш учун эса ҳали яна кўп саёҳатлар уюштириш талаб этилади.

Уйлаймизки, бу ички туризмни ривожлантириш, яъники, ўзлимизни англаш, бой тарихий ўтмишимизни ўрганиш борасидаги илк қадамлар ва у ҳали кўндал-кўп сайёҳаракатлар, ташкилотчилик ишларини юқори савияга кўтаришни тақозо этади ва келгусида шундай бўлади ҳам.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
журналист.

Нурафшон — Тошкент — Нукус — Хўжайли — Нурафшон.



"СУМАЛАК САЙЛИ"НИНГ ДОВРУҒИ БАЙРАМ ТААССУРОТЛАРИ

НИМАЛАРНИ ЎЙЛАБ ТОПИШМАЙДИ-Я?

Январь ойидан бери ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида «Наманганда 5 тонналик сумалак тайёрланаркан!» деган хабар тез тарқалди ва кўпчиликнинг қизиқишига, муҳокамасига сабаб бўлди. Бу ташаббус ҳокимлик томонидан қўллаб-қувватланиб, мана, ўша ҳаяжонли кунларга етиб келдик.

Наманган шаҳрининг қоқ марказида жойлашган Захриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи 20-21 март кунлари баҳорини, байрамни, сумалакни соғинганлар билан гавжумлашди. Файзли гўшада «Сумалак сайли» туризм ва миллий қадриятлар фестивали юқори савияда, кўтаринки руҳда нишонланди. Аҳамиятли лойиҳа Наврўз тантаналари доирасида илк бор уюштирилди.

Бутун халқимиз шов-шувли тadbирининг бевосита иштирокчиси ва кузатувчисига айланди. Ҳамма ёқда дув-дув гап. «Минг марта эшитгандан, бир бора кўрган афзал!», дея гулрас-гулрас келишаверди. Одамлар ташрифи, оқими, аҳил ва бирламчилиги ҳам рекорд даражага етди!..

Баҳор келди боғлардан,
Салобатли тоғлардан,
Шарқираган сойлардан.
Салом сенга, гўл Наврўз!
Салом сенга, гўлал юз!
Ерда майсалар ўсар,
Дилни гўбдордан тўсар,
Заминга гилам тўшар.
Салом сенга, гўл Наврўз!
Салом сенга, гўлал юз!

СУМАЛАКДАН 200 КИЛОГРАМ ТОШ ТОПДИМ

Бунақиси бўлмаган! 8 тонналик маҳобатли, махсус ўчоқ-қозонни Олмалик қон-металлургия комбинатидан олиб келиш, кутиб олиш ва ўрнатилиш маросимлари ҳам қарнай-сурнайлар садоси, кенг омманинг хайрихоҳлигида ўтказилди.

Сумалакнинг бир неча минг йиллик тарихида мисли кўрилмаган воқеа. Кўп миқдордаги баҳорий таомни пиширишда моҳир 25 нафар сумалакчи онахон ва 10 нафар йигитларга машҳур ошпаз, ҳамюртимиз Баҳриддин Қустий ва бош сумалакчи, Нодира номидаги ахборот-кутубхона маркази директори Мавлудахон Жўрабоева етакчилиги қилишди. Улар байрат-шижоатга миниб, масъулиятли хизматни аъло бажардилар.

Маълумот учун, хозирлик жараёнида 1,1 тонна бугдой тозаланди, ювилди ва умумий юзаси 112 квадрат метрдан кўпроқ бўлган 50 хонтахтага ундиргани қўйилди, 2,5 тонна ун элақдан ўтказилди. Бунга 300 нафардан ортиқ хотин-қиз жалб этилди. Майсани парвариллашда туну кун навбатчилик тузилди, отинойилар хатми Қуръон ўқинди, қорға тинчлик-осойишталик, дехқончиликка барака, эзгу ишларга ривож тилашди. Қийматлигидан чиқарилган 5,2 минг литр бугдой шираси улкан қозон атрофига ўратилган 27 дошқозонга го бўлди. 250 литр ўсимлик мойи ва 2,4 минг литр сув ишлатилган, дарёдан махсус териб олинган, ювиб-қайнатилган тозаланган тош солинган сумалак 24 соат қайнади.

Наманган шаҳар ҳокими Шавкат Абдураззоков раҳбарлигида мутасаддилар жараёнларни назорат қилиб боришди, ташкилий ишларни сифатли удалашга

жиддий эътибор қаратилди. Хизматчилар ва келувчилар учун етарли шароитлар яратилди. Сумалагимиз санъаткорларнинг лапар ва яллалари, куй-қўшиқлари ва моомларимиз, келинчақлар дуоси, шонр-ёзувчиларнинг самимий гурунглари оғушида қайнади. Уни мутахассислар, нурунийлар, ёшлар, меҳмонлар, эзгу ниятлар ила қовладилар. Шундай қилиб, 5 тонналик баҳор таоми мазали бўлиб пишди.

НАМАНГАН НАМУНАСИ: КЎНГИЛЛАР ЗАБТ ЭТИЛДИ!

Шу кунни «Тинчлик селласи» томондан қилиб келишда ҳам рамзий маъно касб этди. Чунки 21 март — Халқаро тинчлик ва бахт ҳамда шеърини кунлари ҳамдир. Ширин сумалакни очиб ва тарқатиш маросимида Наманган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва нурунийлар иштирок этиб, қозон четиди ҳаммани ажойиб муваффақият билан қизинг табриқлашди, тилаклар билдиришди. Сумалакнинг учдан бир қисми вилоятдаги меҳрибонлик, саҳоват уйлари, шифохоналар ва кам таъминланган оилаларга етказилди. Қолаверса, сайлга келган наманганликлар, вилоят меҳмонларига ҳам 15 мингдан ортиқ бир марталик идишларда сумалак тортиқ қилинди.

Шунингдек, ҳокимлар ҳудуддаги «Нурунийлар чойхонаси» ва «Боғи эрам» тантаналар мажмуасида 12 нафар болақоннинг хатна ва 2 жуфт оиланинг никоҳ тўйларини ўтказишга бош-қош бўлишди, 50 нафар ногирон-тойларнинг ота-оналари мажмуаларида 3 миллион сўмлик банк омонат сертификатлари ҳамда ёш келин-қувчаларга меъмор тўлмаларини совға тариқасида топширишди. «Фарзандларимиз ҳаётида унутилмас саҳифалар муҳридан! Бу кунни ҳеч қачон унутмайди, беҳад мамнунмиз!», деди миннатдорчилигини ўртоқлашиб қичқин-тойларнинг ота-оналари номидан «Баҳор» МФИда яшовчи, кам таъминланган оила вакили Азиза Фозилова.

Сайл давомида пойтахтдан таникли хонандалар Зулайхо Бойхонова, Абдухшом Исмоилов, Мавлуда Асалхўжаева, Ёдгор Мирзажонов, Изатилла Иброхимов, Баҳриддин Зухриддинов ва вилоятимизнинг эл арвоғидаги санъаткорлари, фольклор ансамбл жамоалари ижросидаги дилрабо тароналар томошабинларнинг қувончини янада оширдилар.

Бетақор лаҳзалар. Кун ва тун тенглиги. Боғ ичи ва тевараги ўзгача манзара ва миллийлик қўринишини олди. Корхона-ташкilot ва муассасалар, миллий маданий марказлар ўзлари учун ажратилган жойини инновацион роғлар асосида баҳорий безатдилар. Наврўз тadbирлари шаҳримиздаги «Кичикитой» ва «Ёшлар» боғларида ҳам намунали ташкиллаштирилди. Вилоят ва шаҳар ҳокими ҳамда меҳмонлар бу масканларга ҳам бориб, сайил шуқуҳи билан танишдилар.

Дарвоқе, халқ сайлида «Дўппидек ош» танлови орқали 27 нафар пазанда 250 грамм гуручдан палов дамладилар, бор маҳоратларини ишта солиб, йилланларни лол қолдиришди. Сомсапаз ва қабобпазлар эса «Тандир таомлар шоу»сида шинавандалар эътирофини қозонишди. Катнашчилар турли концерт дастурлари, миллий халқ ўйинларидан, баҳорий миллий таомлардан, ҳунармандчилик кўргазмаларидан, дорбозлар ва спортчиларнинг чиқишлари-

дан баҳраманд бўлишди, варрақлар учирди. Айниқса, гуллар ва китоб савдоси авжига чиқди. Атракционларда хуррамлик напидасини сураётган болақонларнинг шўх қийқириқлари, табассуми дилларга ҳушудлик солди.

Яқунда голиб ва фаоллар олқишланди, уларга диплом ва 2 миллиондан пул мукофотлари берилди.

«СЕКИПРОК ГАПИРСАНГИЗ, ЭЗИБ ОЛСАН...»

Оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг эътибор марказида Намангандаги «Сумалак сайли» завқ-шавқ билан тезкорликда ёритиб борилди. Юртдошларимиз «O'zbekiston-24», «Dunyo bo'ylab» ҳамда вилоят телерадиоканалларида тўғридан-тўғри узатишган репортаж ва таҳлилий лавҳаларни ҳаяжон билан кузатишди.

Шаҳар ва вилоят ҳокимлиги ахборот хизматлари ва «Наманган хақиқати», «Наманган садоси» газеталари, вилоятдаги ахборот порталлари сайтлари, ташкилий қўмитанинг «Пресса» гуруҳи аъзолари томонидан «Фейсбук», «Телеграм», «Каналларнинг додиси» ва бошқа ижтимоий тармоқ ҳамда каналларда суратлар, материаллар, видеолар жойлаштириб борилди. Бу эса кишиларнинг фикри, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Таъкидлаш жоиз, Корея, Япония, Хитой, Россия, Германия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби 10 дан зиёд хорижий давлатдан сайёҳлар ва инвесторлар, Ўзбекистонимизнинг вилоятларидан, Қорақалпоқiston Республикасидан меҳмонлар ташриф буюришди. Япониялик Ная Сетсуо, корейлик Еонгхуан Парк, россиялик Александр Твердовский, туркиялик Мустафо Хартави ўғли, Мерт Юсуф Эймединлар Наврўз шодналаридagi таассуротларини зўр ҳавас ва ҳайрат билан, тўқилганиб изҳор қилишди, улар бағоят хурсанд эканликларини яширмадилар.

НАМАНГАН — СУМАЛАК ШАҲРИ ҲАМДИР

— «Сумалак сайли» ёркин рангли, ҳиссиётларга бой, киш соғувидан кейин ҳар бир инсон қалбига иссиқлик, ажиб ҳарорат бахш этди. Бебаҳо баҳор таоми ҳисобланган сумалакнинг ҳосияти ва саломатликка фойдаси катта, — дейди мегалойиҳа ташаббускорларидан бири, шаҳар кенгаши депутати, маърифатпарвар тadbиркор Маъруфхон Мўминов.

Фестиваль моҳиятига кўра, ўзида баҳорий янгилашга хос байрам шуқуҳи, ўзбек халқининг миллий қадриятлари тажассути, хайрияпарварлик, шодлик улашши сингари ҳусусиятларни қамраб олган оммавий сайл сифатида намоён бўлди.

Биз мақсадимизга эришдик! Айёмга муносиб тўхфа тайёрладик, Наманганнинг чиройи тилларга тушди, таърифлашга сўз ожиз. Ҳа, сайлдаги муҳит дунёнинг энг катта туризм тadbирларини ортда қолдириди. Гуллар шаҳри, фавворалар шаҳри, тadbиркорлар шаҳри бўлган Наманганимиз энди «Сумалак шаҳри»га ҳам айланажак! Наврўз — янги ризқ-рўзингиз, шарқона янги йилингиз муборак! Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин, азиз ватандошлар!

Орифжон ЖЎРАЕВ,
«Йилинг энг фаол журналисти — 2017» Республика талови голиби

HURRIYAT



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁРОВ



Ахборот ҳамкорлиги:
Ўзбекистон
матбуот ва
ахборот агентлиги

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳою келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар
доимий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг
бўлими: (0-371) 244-32-91

Топшириш вақти — 20⁰⁰
Топширилди — 18⁰⁰

Адади: 3970 Буюртма — V-1331

1 2 3 4 5

Индекс: якка
обуначилар ва
ташқиқотлар
учун — 233

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

Газета таҳририят компьютер марказида терилиди
ва дизайн Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Шолазиз Шохидов

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.